




«СНОС» билан боғлиқ муам-
моли ҳолатлар ҳамма ҳудудда
адолатли ҳал этиляптими? 3



КЛАСТЕРЛАР ҚИШЛОҚ
ХҲЖАЛИГИ РИВОЖИДА
ЛОКОМОТИВГА АЙЛАНМОҚДА 4



Хотин-қизлар ижтимоий-
сиёсий фаол бўлса... 5



НИЗО
Бир фермер ва икки ҳамқишлоқ
ўртасида авж олаётган можаро нега
ҳал бўлмапти? Суд қарори нега
бажарилмапти? 7



№60-61
2019-йил, 30-йул
Seshanba (32.551)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-йил 21-йундан чиқа бoshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

O'zbekiston OVOZI

Жорий йил Самарқанд вилоятига
510 мингдан зиёд хорижлик меҳмон
келиши кутилмоқда. Икки йилда бу
кўрсаткични 2 миллионга, мамлакат
бўйича эса 10 миллионга етказиш
мўлжалланган.

Шу мақсадда 2019-2020 йилларда
вилоятда туризм соҳасида қиймати
220 миллион доллар бўлган 164
лойиҳани амалга ошириш белгиланган.
Айни пайтда бу борада изчил ишлар
олиб борилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БЕЛАРУСГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг таклифига биноан 2019 йил 31 июль — 1 август кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Минск шаҳрида олий даражадаги Ўзбекистон — Беларусь мулоқотининг давоми сифатида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболларини, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилган.

Президентлар Ўзбекистон миллий саноат кўргазмаси ва Беларусь юқори технологиялар парки билан танишадилар.

Музокаралар якунида Президентларнинг Қўшма баёноти имзоланиши ҳамда Ўзбекистон — Беларусь кўп қиррали шериклигини, жумладан, инвестициялар, ишлаб чиқариш, илмий-техник кооперация соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришга, ҳудудлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишга мустаҳкам асос яратадиган салмоқли ҳужжатлар тўплами қабул қилиниши кутилмоқда.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ИШБИЛАРМОНЛАРИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

Минск, 29 июль. ЎзА махсус мухбири Матназар ЭЛМУРОДОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий ташрифи арафасида Минск шаҳрида Ўзбекистон — Беларусь ҳудудлараро форуми бошланди. Унда икки мамлакат ҳудудлари вакиллари қаторида парламентлар аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари, ишбилармонлар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон — Беларусь ҳамкорлигини кенгайтиришда муҳим мулоқот майдони, деб баҳоланаётган ушбу форумда етакчи тармоқлар ва ҳудудлар вакиллари бир даврга жамлаш, шу тарихқа қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш амалиётини кенгайтириш, умуман, ҳар бир манфаатли соҳада ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

Форумнинг дастлабки кўни сессия йиғилишлари шаклида ўтди.

Саноат кооперацияси масалаларига бағишланган биринчи сессияда қишлоқ ҳўжалиги, машинасозлик, электротехника, фармацевтика каби соҳаларда шериклик алоқаларини кенгайтириш хусусида сўз борди.

Иккинчи сессия аграр соҳага бағишланди. Унда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, ўсимликшунослик, селекция, чорвачилик, ветеринария соҳаларидаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Гуманитар, ахборот-коммуникация, илм-фан соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда технопаркларни такомиллаштиришда тажриба алмашиш, ҳудудлараро инновацион ҳамкорликни кенгайтириш, туризм, таълимни рақамлаштириш каби истиқболли йўналишлар ҳақида фикр алмашилди.

Форум 30 июль кўни ўз ишчи давом эттиради. Умуман, расмий ташриф арафасида ҳудудлар ва ишбилармонлар доирасидаги ҳамкорлик фаоллашётганини таъкидлаш жоиз. Бугун Минскдаги "Бел-Экспо" миллий кўргазмалар марказида Ўзбекистон миллий саноат кўргазмаси ҳам очилди.

Ушбу тадбир Беларусга Ўзбекистон саноати маҳсулотлари етказиб бериш ҳажмини ошириш, ушбу мамлакат бизнеси вакиллари иқтисодий экспорт ва сармоявий салоҳияти билан кенг таништириш мақсадида ташкил этилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Элёр Ганиев икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар ривожланиб бораётганини, яқин истиқболда товар айирбошлаш ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш учун барча имкониятлар мавжуд эканини таъкидлади.


Беларусь Республикаси Бош вазири ўринбосари Владимир Дворник ушбу тадбир 2018 йили Тошкентда ўтказилган Беларусь миллий кўргазмаси доирасида бошланган ишбилармонлик мулоқотининг мантиқий давоми эканини қайд этди.

Кўргазмада мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан машинасозлик, электротехника, қурилиш, тиббиёт ва фармацевтика, нефть қимёси, енгил саноат, ахборот технологиялари каби соҳаларга ихтисослашган 80 корхона мингдан ортиқ турдаги маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Ўзбекистоннинг туризм борасидаги имкониятлари тарғиботига кенг ўрин берилган.

Ўзбекистон миллий саноат кўргазмаси 2 августга қадар меҳмонларни қабул қилади.

ЎзА

Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЁШ МАТЕМАТИКЛАРИ

Буюк Британиянинг Бат шаҳрида
ўтказилган халқаро олимпиадада
муносиб иштирок этишди 8

«ДЎСТЛИК» ТАЛАБАЛАР ҚУРИЛИШ ГУРУҲИ БЕЛАРУСДА

Мамлакатимиздаги ҳар бир олий таълим даргоҳи жаҳондаги нуфузли олий ўқув юртлири билан ҳамкорликни йўлга қўйиб бормоқда. Бу орқали таълим сифатини яхшилаш, талаба-ёшларни турли соҳадаги илғор хориж тажрибаларидан хабардор қилиш мумкин. Хусусан, Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ва Беларусь Миллий техника университети ўртасида ҳам яқин алоқалар йўлга қўйилган бўлиб, шартнома имзоланган. Шартномага мувофиқ, 15 нафар талабадан иборат «Дўстлик» қурилиш гуруҳи ташкил этилган. Улар жорий йилнинг 8 июлидан 8 августига қадар амалиёт ўташ учун Беларусь давлатида бўлиб, тажриба орттиришади.

«Дўстлик» қурилиш гуруҳини Минск халқаро аэропортида БМТУ раҳбарлари қўлиб олган. Шу кўннинг ўзида «Дўстлик» қурилиш гуруҳи Минск шаҳри билан танишган.

Талабалар айни вақтда Минск шаҳрида йўл таъмирлаш, қурилиш ишларида иштирок этишмоқда. Шунингдек, талаба-ёшлар турли тадбирларда ҳам қатнашиб, Беларусь тендошлари билан тажриба алмашмоқда.

Гуруҳ аъзолари сафарлари давомида Минск шаҳрининг тарихий обидалари ҳамда Брест қалъасини зиёрат қилишади, Беларусь «Белаз» автомобиль заводида ҳам бўлишади.

Неъмат МИРЗАҚУЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Қибрай туманида «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!» шиори остида «Мустақиллик — юртимиз ободлиги, турмуш фаровонлиги, халқимиз бахту саодатининг кафолатидир» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Энг қадрли байрам



ЎзХДП Марказий Кенгаши ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, сиёсатшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар мустақиллик энг улуг неъмат экани ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Мустақиллик йилларида аҳолининг иқтимоий ҳимоясини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Акмал Умаралиев. — Зеро, мамлакатда ўтказилаётган барча ишловларнинг асл мақсади ҳам инсонга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, унинг орзу-истакларини рўёбга чиқаришдан иборатдир. Узоққа бормайлик, жорий йилнинг 12 июль кўни Президент фармонида асосан 2019 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори 1,1 баравар оширилди.

Иқтимоий ҳимоя билан боғлиқ ўзгаришларни ҳар бир соҳада кузатиш мумкин. Бу ишлар изчил тус олаётгани қувонарли.

— Ҳаётнинг бирор-бир жабҳаси йўқки, унда мустақиллик шўқуҳи сезилмаса, —

деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Меҳрожиддин Дархонов. — Мамлакатимизда амалга оширилаётган ишловлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига етказишда партияимиз ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари фаол иштирок этишга ҳаракат қилияпти. Бу ҳақда партияимиз Марказий Кенгаши Ижроқўми Ҳайъатининг тегишли қарори қабул қилинди, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, партия ташкилотларимиз ҳамда депутатлик бирлашмалари республикаимизнинг барча ҳудудларида етакчи олим ва мутахассислар, ёзувчи, шоир ҳамда санъаткорлар иштирокида турли семинарлар, давра суҳбатлари, учрашув ва анжуманлар ўтказилади.

Тадбирда, шунингдек, ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Мирзо Карим, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Сайёра Файзиева сўзга чиқиб, тинчлик, осойишталик энг олий неъмат экани, тараққиёт йўлида меҳнат қилиш ҳар биримиз учун шараф ва бурч эканини таъкидлашди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши
Ахборот хизмати.

ЎЗИМИЗНИ ЎЗГАРТИРМАСАҚ, ИШИМИЗ ҲАМ ЎЗГАРМАЙДИ

Тошкент шаҳар партия ташкилоти
фаолиятининг танқидий таҳлил
натижалари қандай бўлди?

Мамлакатимиз муҳим сиёсий жараён оstonасида турибди. Маълумки, шу йилнинг декабрь ойида парламент ва халқ депутатлари Кенгашларига навбатдаги сайловлар бўлиб ўтади. Ҳар бир сиёсий партия том маънода имтиҳондан ўтади. Албатта, бундай паллада қайси партия аҳоли манфаатлари ҳимояси йўлида қандай ташаббуслар билан чиқаётгани, қанақа амалий ишлар қилаётгани ҳақидаги саволлар кенг жамоатчилик муҳокамаси учун очик бўлади.

Тан олиш кераки, ҳаётнинг микроскопида турли омиллар таъсирида сиёсий партиялар фаолияти ҳақида кўпроқ танқидий фикрлар сакланиб қолмоқда. Бу муносабатни ижобий томонга ўзгартириш зарурати кўндан-кўн ошиб бораётгани ҳам сир эмас. Ўз фаолиятига чуқур таҳлилий ва танқидий ёндашиб, иш тутмаган сиёсий партия ижобий натижаларга эриша олмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Давоми 3-бетда. ►

Кўркам бир диёрга айланаётган Қорақалпоғистонимизнинг ўрни Ўзбекистонда ярқираб кўринмоқда.

МУНОСАБАТ



Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Қорақалпоғистон халқ шоири:

— Юртимизга шундай бир нурафшон кўнлар келдики, умрининг ҳар дами, ҳар нафаси сизга бахт билан боқаятгандай, шундай шуқулли кўнлар учун сен нима қилдинг, деб савол бераётгандай бўлади. Кўнлил бир ҳапарикиб қўяди. Ўтган умрини, орқада қолган узун йўللарга бир қараб оласан. Қандай яшашнинг, сендан қолган излар, сен қилган меҳнат, чеккан машаққатларнинг баҳоси борми, дея ўз-ўзинга савол берасан. Бу меҳнатларнинг бугунги бахтли кўнларда кичик бир заррадек бўлса ҳам кўриняптими, деган ўйга борасан. Шунда бахтдан чанқаб югуриб келаётган неваранг бағрини отилади. Унинг озу-умидлардан тўлиб тошаётган юрак уришларини сезасан. Хали болалар боғчасида бўлса ҳам инглизча гапирётган ёки корейс, немис тилида қўшиқ айтаётган чеварангизнинг янги замонга янги ченақдай илдиз отаётганидан кўнглингиз тўлиб-тошади.

Бундай бахтли ҳис-ҳаяжонлар мана, 28 йилдики, ҳар бир олган нафасимиз, ҳар босган қадамимиз, янги озу-мақсадлар, интилишларимиз, эл учун, унинг келажаги учун қилган, қилаётган ҳар бир ишимиз шу ота маконнинг кенгликларига сингиб, даракларга, гулларга қўшилиб ўсаётгандай.

Истиқлолимиз 28 ёшга тўлмоқда. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни

ЯНГИЛАНИБ, ЁШАРАЁТГАН ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНИМ

ўтказиш тўғрисида»ги қарори билан танишар эканмиз, қалбимиз шукроналик, бунёдкорликлардан фахрланиш, фарзандларимиз бахтидан қувонч ҳисларига йўғрилади.

«Мамлакатимиз тарихида ўчмас саҳифа очган буюк истиқлол туфайли Ўзбекистон ўтган давр мобайнида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил илгарилаб бормоқда», дейилади қарорда. Ҳақиқатда ҳам шундай бўлаётир.

Мисол учун, Нукус шаҳрининг кўчаларидан юрсангиз, ҳаётимизнинг нақадар жўшқин, нақадар кўркам, салобатли бўлиб бораётгани, инсон шашни, қадри улугланаётганига гувоҳ бўласиз. Нафақат марказий кўчалар, Нукуснинг тўрт томони, эски, янги қалъа, деб аталувчи мавзелари, «Дўстлик», «Каттаоғар» каналларининг ҳар иккала соҳили обод гўшаларга айланаётганидан баҳри дилингиз очилади. Янги аэропорт, темирйўл вокзали атрофида қўллаб сайёҳларни учратасиз.

Айниқса, бутун жаҳон нигоҳи Мўйноққа қаратилгани нафақат қорақалпоғистонликларни, бутун Ўзбекистон халқини қувонтирмоқда. Бундан 10-15 йиллар олдин Қорақалпоғистон Орол денгизи инқирози оқибатида шўрлаб, тузли шамоллар эсиб, экологияси бузилган бир умидсиз воҳа сифатида қаралган бўлса, сўнгги 2 йилда бу фикрлар мутлақо ўзгарди.

Икки ярим йил ичида давлатимиз раҳбари республикада беш марта бўлиб, жараёнлар билан яқиндан танишди. 2018 йилнинг 15-16 ноябрь кунларидаги сафаридан сўнг 11 триллион 534 миллиард сўмлик 793 та лойиҳа қабул қилиниб, шунинг натижасида 12 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилмоқда.

Президентимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 72-сессиясида дунё жамоатчилиги эътиборини Орол муаммосига қаратгани, яқиндагина Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг давлат раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги йиғилишида, Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича

кенгашнинг бешинчи саммитида бу муаммони яна бир мартаба кўтариб чиққанлиги халқимизга бўлган эътибор ва алоҳида ғамхўрлигининг натижасидир.

Шунингдек, бу борада муҳтарам Президентимизнинг Мўйноқ туманига ташрифи давомида берилган кўрсатмалар асосида жорий йил 16 январь кун Вазирлар Маҳкамасининг «Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мўйноқ туманида 2019-2021 йилларда 1 трлн. 485 млрд. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши белгиланиб, бу борадаги кўламли ишлар бошланиб кетган.

2019 йилнинг ўзида 622 млрд. сўмлик 8 та мактабгача таълим, 7 та мактаб, 4 та спорт, 6 та соғлиқни сақлаш, 8 та маданият муассасаларида қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳамда 20 та кўп қаватли уй-жойлар қурилиши бошлаб юборилди. Ўтган қисқа вақт ичида бир неча объектлар фойдаланишга топширилди. Мисол учун, 800 ўринли Амфитеатр ва Давлат хизматлари маркази янгидан қурилди ҳамда туман стадиони ва Маданият маркази реконструкцияси тўлиқ якунланди.

Шунингдек, 7-сонли умумтаълим мактаби ва 32-сонли қишлоқ врачлик пунктида реконструкция ишлари ҳамда 33-сонли қишлоқ врачлик пунктида мукаммал таъмирлаш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилиш арафасида турибди.

Булardan ташқари, Мўйноқ туманида саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида умумий қиймати 26 трлн. 974,8 млрд. сўмлик 75 та лойиҳа амалга ошириш юзасидан ишлар бошланмоқда.

Булларнинг ҳаммаси бизлар учун чексиз фахр-ифтихор эмасми? Янгирилган, тобора яшариб, кўркам бир диёрга айланаётган Қорақалпоғистонимизнинг ўрни Ўзбекистонда ярқираб кўринмоқда. Нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ҳам, дунёнинг бошқа давлатларида ҳам бу масканга бўлган қизиқиш, эътибор, ҳурмат ортаётганини кўриб қувонамиз.

КеҒейли туманида «Kegeyli qo'oz» МЧЖ томонидан 31,4 млрд. сўмлик инвестиция ҳисобига целлюлоза ишлаб чиқариш, лакирани чуккур қайта ишлаб чиқарувчи «Ланкомия» корхонаси ишга тушди.

Нукус шаҳридан Чимбой томонига йўлга чиқсангиз, қорақалпоқ кенгликларининг ўзига хос жозибаси, табиати кўнглингизни яйратади, кенг ва раво йўллар тезда сизни Халқобод шаҳарчасига етказди. Яқиндагина пала-партиш, очик-сочик бозори, деворлари нураб кетган икки ёки уч дўкон биноларига кўриниб турадиган шаҳарча кейинги икки йилда бошқа қиёфага кирди.

Замонавий бозор, савдо шохобчалари, маъмурий бинолар, болалар ўйингоҳлари кўзга тушади. Айниқса, гулларга тўла йўлақлар, қатор ямшиш арчалар шаҳарчага ўзича хос кўрк бериб турибди. Сал ичкарироқда аҳоли томоқларидидаги боғлар, сабзавот-полиз маҳсулотлари етиштирилаётган ихчам томоққа ерлар ҳам аҳолининг дастурхони тўкин-сочин бўлиши учун хизмат қилмоқда.

Булларнинг ҳаммасида юртимизда бўлаётган янгилашулар, бу ютуқларда халқимизнинг бунёдкор меҳнати муҳассам эканини ўйлаб, кўнглингиз тўлади. Тўғри, хали жойларда ҳаёт тубдан ўзгариб кетгани йўқ. Аммо катта янгиликлар рўй бераётганини кўзимиз кўриб турибди. Биргина Нукус — Чимбой йўллари, унинг икки томонида барқ уриб турган янги ҳаёт нафақат сўзлаб турибди, балки қуйлаб турибди.

Маълумки, Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ҳар бир ташрифи ва берган топшириқлари шу халқнинг асрий озу-умидлари рўйбега чиқиши, аҳоли турмуш фаровонлиги ўсиши, кўпроқ экспортбоп маҳсулотлар етиштириш, чет эл инвестициялари ҳисобига саноатни ривожлантириш сингари муҳим вазифаларга қаратиб келинмоқда.

Чимбойда шу кўнларда «ZANG TEX» масъулияти чекланган жамияти Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликда 10 млн. доллар миқдоридagi инвестиция лойиҳасини амалга оширмоқда. Натижада Чимбойда ип йигирув ва трикотаж маҳ-

сулотлари ишлаб чиқарувчи корхона ишга тушади. Янги иш ўринлари яратилади.

Бугунги кунда Чимбой шаҳри маркази, қишлоқлар қиёфаси давримизга мос равишда ўзгариб, яшариб бораётганлигини кўрамиз. Айниқса, жорий йилга мўлжалланган инвестиция дастури доирасида оилавий поликлиника, бандлиқни таъминлаш маркази биноси, болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилиши жадаллик билан олиб боришмоқда.

Чимбойда «Обод қишлоқ» дастури доирасида «Қамиш ариқ», «Бахтли», «Қўқча» овул фуқаролар йиғинлари ҳудудларида 44 объектида ободонлаштириш, таъмирлаш, қайта қуриш ишлари ҳамжамиятлик билан олиб боришмоқда. Бу ишлар учун 28 миллиард сўмдан кўп маблағ ажратилган.

Халқимиз Чимбойда ҳар кун бир яхши янгилик, деб, хурсанд бўлади. Мана, яқинда Ёшлар кунини муносабати билан туман ёшларига икки қаватли китоб дўниси дўкони совға қилинди. Шу кунини туман марказида икки жойда замонавий спорт майдончаси ҳам ёшларга фойдаланишга топширилди.

Амударё тумани ўзининг деҳқончилик тажрибаси билан машхур. Кейинги йилларда туман миришкорлари Ўзбекистон Республикасида биринчилардан бўлиб пилла, ғалла, пахта тайёрлаш режаларини ортиги билан уddалаб келмоқдалар. Пиллакорлар 182,9 тонна пилла етиштириш шартномасини режани 104,1 фойзга бажарди. Фермер хўжаликлари томонидан давлат хирмониға 9748,4 тонна дон етказиб берилди. Режа 145,6 фойзга бажарилди. Фақат булар эмас. Амударё туманида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мустақиллик — энг улў байрам. Шукроналик, рози бўлиб яшаш, ҳаётдаги имкониятлардан самарали фойдаланишга интилиш бахтли давраларда қайта-қайта намоён бўлмоқда. Бу давраларнинг иштирокчилари қалбидан қўшиқлар отилиб чиқмоқда.

Тизимда ўзгариш қилиш вақти келди. Масалан, фуқаронинг умри давомида ишлаган вақтнинг охириги 10 йиллигидан битта беш йили танлаб олинади. Ахир инсон қариган чоғида эмас, ёшлиғида кўп ва яхши ишлайди. Ўзимиз ўзимизни алдаб нима қиламиз. Агар имкони бўлмаса, бюджет етмапти, кутиб туриш, дейилсин. Конституция-мизни тўлиқ бажарайлик, ана шунда барча халқроқ стандартларга жавоб берадиган тизим яратилади.

Тўғри, яшаш минимали ишлаб чиқаяпти. Лекин баъзи молиячилар пенсияни ҳам даромад, деб ҳисобламақда. Ёки маҳалладан моддий ёрдам сўралса, улар даромад сифатида ногиронлик учун тайинланган пенсияни қиритишдади. Аслида пенсия даромад эмас. Бу ногиронлар соғлигининг компенсацияси. Мазкур масала ҳам ўрганиб чиқишлиши керак, деб ўйлайман.

Кўзланган натижага эришиш учун партия ўз дастурига шу ва бошқа масалаларни қиритиши лозим. Ваҳоланки, ушбу масала партиянинг 5 йил олдинги дастурида ҳам бор эди. Партиянинг гоёси эди бу. Лекин негадир ушбу масалани бошқа органлар кўтармоқда. Партия ўз дастурида илгари сураётган яхши-яхши гоёларга ўзи эгалик қилса, ташаббус кўрсатса, нур устига нур бўлади.

Семинарда ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан пенсия тизимини ислоҳ этишга қаратилган қонун ҳужжатлари, қарор ва фармонлар ижросини мониторинг қилиш бўйича ҳамкорликдаги режалар белгилан олдинди. Шунингдек, янгидан ишлаб чиқалаётган партия дастури ва Сайловолди дастурига пенсия ва ижтимоий нафақалар, жисмоний имконияти чекланган фуқароларни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича тақдирлар берилди.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, партия Марказий Кенгаши масъуллари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Пенсия жағмармаси, Ногиронлар, Қўзи оқиллар, Карлар жамиятлари вакиллари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари иштирок этди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилоятига ташрифи доирасида Оқдарё туманидаги «Pure milk Оқдарё» фермер хўжалиги даласида бўлиб, бу ердаги миришкорлар билан суҳбатлашди. Президент ташрифидан сўнг мухбиримиз мазкур хўжалик раҳбари Воҳиджон Турдиев билан учрашиб, унинг таассуротлари билан қизиқди.

УНУТИЛМАС КУН



— Мен учун бу кун бир умрга унутилмас бўлиб қолади, — деди Воҳиджон Турдиев. — Давлатимиз раҳбарининг даламизга ташриф буюриши, амалга ошираётган ишларимиз билан танишиши ва асосийси, турмуш шароитимиз, иш фаолиятимиз билан қизиқиши қалбимга қувонч бағишлаб, ғайратимизни ошириб юборди. Президентимиз мендан томчилятиб сугорилинган афзалликлари нимада эканлигини сўради. Мен билганимча жавоб бердим. Сувнинг исроф бўлмаслиги, гўзанинг асло чанқаб қолмаслигини айтдим.

Қандай қилиб одамларнинг даромадини оширамиз, деган савол мени қийнади, — деди Президентимиз хўжалигимиз даласидаги учрашувда. Бу жуда чуқур савол. Ўйлашмича, ҳар бир ҳудуд, ҳар бир соҳа ўз аравадини ўзи тортишни ўрганиши, бунинг учун аниқ режа-тадбирга эга бўлиши керак. Масалан, қишлоқ хўжалигида янги технологияларни жорий этиш, ҳосилдорлиқни ошириш, хомашёни қайта ишлашни кучайтириш зарур. Бунга эришилса, даромад ошади, иш ўринлари кўпаяди.

Очиги, Президентимиз қандай ҳаёт кечираётганимиз, рўзгоримиз тўқислиги билан қизиқди. Пайкалларда яшнаб турган гўзаларга қараб, кутилаётган ҳосилдорлик ҳақида сўради.

— Гектаридан камида 45 центнердан ҳосил кутялмиз, — дедим. Назаримда, Президентимиз менинг бу жавобимдан қониқмагандай, 45 центнернинг марра эмаслигини эслатгандай бўлди. Кечадан буён қалбимда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳисса қўшишда янада фаол бўлиш фикри тинчлик бермайдди. Тўғри-да, мамлакат раҳбари билан учрашиш, суҳбатлашиш ҳар қандай кишига, ҳар бир касб эгасига ҳам насиб этавермайди. Мен эса ана шундай шарафга муяссар бўлдим. Бундан буён бор куч-қувватимни, билим ва тажрибамни танлаган соҳамнинг ривожланишига сарфлайман.

Фермер хўжалиги бу йил пахтачиликда томчилятиб сугорилинган жорий этган. 500 гектар майдон тўлиқ янгича технология асосида сугорилишга ўтказилган. Ҳар бир гўзага гўзага сув етказувчи қувурлар тортилди. Бугун ана шу қувурчалар орқали келадиган об-ҳаёт гўзаларга жон бағишламоқда.

— Ҳақиқатда ҳам, бу услубнинг афзалликлари кўп экан, — дейди фермер. — Қаранг, гўзалар бир текис ривожланган. Гўзанинг гўллаб кетгани ёки сувсизликдан қовжираб қолганини тополмайсиз. Ҳатто ўт босган ҳудудни ҳам учратмайсиз.

Фермер хўжалиги фаолиятини қорвачиликдан бошлаганди. Дастлаб қорвачилик фермаси учун бино барпо этилиб, ишга керакли мутахассислар жалб этилди, олимлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Германия ва Голландия мамлакатларидан республикамизга келтирилган «Гольштейн» зотли 2000 бош гунажин сотиб олинди. Қорва моллари рацион асосида озиклантирилиб, маҳаллий шароитга мослаштириб борилди. Бугун эса кечаги гунажинлар соғин сигирга айланган.

— Ҳар бош сигирдан кунига ўртача 30 литр сут соғиб олинапти, — дейди Воҳиджон Турдиев. — Аммо бу натижа биз учун марра эгалланди, дегани эмас. Махсусдорлиқни ошириш йўллари кидириляпти. Иш ўринлари ҳам йил сайин кўпайиб бораверади.

Айни пайтда 150 нафардан ортиқ киши иш билан таъминланган. Ҳар кун соғилган сут Тойлоқдаги сутни қайта ишлаш корхонасига олиб кетилади. Сут бу корхонада кефир, сметана, қаймоқ, пишлоқ, бринза каби тайёр маҳсулотларга айлантирилиб, ички бозорда сотилапти.

Фермага қорвачиликни ривожлантириш учун 960 гектар майдон ажратилган. Бу майдонларда ғалла, макжажхори, беда, жавдар сингари озуқабоп қишлоқ хўжалик экинлари етиштирилади.

Оқдарёдаги «Pure milk Оқдарё» фермер хўжалиги раҳбари ва аъзолари давлат раҳбари билан ўз далаларида бўлиб ўтган унутилмас учрашув таассуротлари ва ҳаяжонлари билан яшамоқда. Фермер хўжалиги раҳбари Воҳиджон Турдиевнинг тўлқинланиб гапиришидан ҳам бу сезилиб турибди.

Абдурашул САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

Пенсия ҳам даромадми?..

ЎЗХДП Марказий Кенгаши пенсияни ҳисоблаш тартиб-таомиллари ҳақида семинар ўтказди.

— Мамлакатимизда 3,5 миллионга яқин фуқаро ҳар ой пенсия ва ижтимоий нафақа олади, — деди ЎЗХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Боймурод Юсупов. — Миллионлаб оилаларга моддий ҳамда ижтимоий ёрдам берилади. Бунинг учун бюджет маблағларидан салмоқли харажат қилинади, ижтимоий ҳимоянинг зарур инфра-тузилмаси шакллантирилган ва у самарали ишлаб келмоқда. Бу соҳада махсус ваколатга эга марказий ва маҳаллий давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият юритаётгани ишлар кўлами нақадар кенг эканини кўрсатиб турибди.

Айтиш керакки, пенсия ёшидаги аҳолининг сони ўсиш тенденциясига эга. Масалан, 2010 йилдаги 5,9 фойздан 2018 йилга келиб 7,4 фойзга ўсган. Демак, фуқароларнинг умр кўрсатиш даражаси ошган. Статистик маълумотларга кўра, 2019 йилдан бошлаб пенсия ёшидаги аҳоли сони 9,0 фойздан ортада ва 2025 йилга бориб 11,0 фойзга етади. Умуман олганда, 2018-2025 йилларда пенсия ёшидаги аҳолининг улуши 1,2 миллион кишига ошиши кутилмоқда. Натижада пенсия тайинлаш учун мурожаатлар сони ортиб боради, 2017 йилнинг 12 ойида 206 минг кишига, 2018 йилнинг 9 ойида эса 205,5 минг кишига пенсия тайинланган.

— Жаҳон амалиётининг кўрсатишча, пенсия тизимларини ислоҳ этишдан мақсад пенсионернинг минимал турмуш даражасини таъминлаб бера оладиган пенсияни жорий этиш, меҳнат фаолияти давомида тўланган бадаллар ва пенсия миқдори ўртасида узвий боғлиқлиқни таъминлашдан иборат, — деди Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жағмармаси бўлим бошлиғи Шухрат Утаганов. — Мамлакатимизда ҳам пенсионерларни қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича кенг кўламли ислохотлар олиб



борилмоқда. Энг муҳими, бу масалалар қонунчиликимизда ҳам ўз аксини топапти.

Босқичма-босқич янги тизимга ўтиб боришмоқда. Замон талаблари ҳамда аҳолининг тақлиф ва истакларидан келиб чиқиб, янги усулларни амалиётга татбиқ этиб бориш керак. Бу орқали муаммоларга янгича ёндашув асосида ечим топишга эришилади.

— Давлатимиз раҳбарининг 2018 йилнинг 12 декабрида фуқароларнинг пенсия тизими самардорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармони қабул қилинди, — деди Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бошқарма бошлиғи Александр Наводний. — Унда 2019 йил 1 январдан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга нафақалар тўлиқ миқдорда тўланиши, уни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг энг юқори миқдорини энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баробаридан ўн баробаригача ошириш белгиланди. Шу билан баргача, ниҳатта ҳақ тўлаш миқдорларини аниқлаш тартибини тақомиллаштириш бўйича фармон қабул қилинди. Унга асосан, 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб иш ҳақининг энг кам миқдори ўрнига, 634 880 сўм миқдорда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ва 223 000 сўм миқдорда базавий ҳисоблаш миқдори ҳамда 223 000 сўм миқдорда пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори жорий этилмоқда.

Йиғилишда, шунингдек, ҳамкор ташкилотлар вакиллари ҳам сўзга чиқди. Ногиронлар жамиятлари аъзолари белгиланаётган янги тартиб бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Қайд этилдики, пенсия ва нафақаларнинг қайта белгиланиши солиқ бўйича имтиёзларга таъсир кўрсатмаслиги лозим. Бир қўл билан бериб, иккинчи қўл билан олиб қўйиш аҳолининг норозиликларига сабаб бўлади. Яъни, пенсия ва нафақаларни ҳисоблашда оширилган меъёр солиқ ва бошқа тўловлар ошишига ҳам сабаб бўлса,

бу ислохотдан кўпчилик рози бўлмайди. Одамларнинг эътирозлари ва тушунмовчиликларни бартараф этиш учун жорий этилаётган 3 босқичли тизимни қайта кўриб чиқиш ҳамда уни аҳолига тушунтириш лозим.

— Конституциянинг 39-моддасида барча пенсия ва нафақалар яшаш минимал миқдоридан келиб чиқиб белгиланиши қайд этилган, — деди Ўзбекистон Ногиронлар Ассоциацияси раҳбари Ойбек Исоқов. — Лекин, афсуски, 27 йилдан бери ушбу модда бажарилмай келинмоқда. Мана, учта базавий тизим ишлаб чиқилди, эртага бешта базавий кўрсаткичларини ўйлаб топамиз. Бу эса турли тушунмовчиликлар, одамларнинг эътирозлари ва норозиликларга сабаб бўлмоқда. Энг маъқули ва қулайи эса Бош қорунимизда белгиланганидек, яшаш минималини белгилаш ва шундан кам бўлмаган миқдорда пенсия ҳамда нафақаларни жорий этиш керак. Ана шунда ҳеч бир саволга ўрин қолмайди.

Тошкент шаҳар партия кенгаши сафида 12500 нафарга яқин йигит-қиз бор. Бу рақам ҳудуддаги ёшларнинг 1 фоизини ҳам ташкил этмайди.

МАҲАЛЛИЙ ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИДА

ЎЗИМИЗНИ ЎЗГАРТИРМАСАК, ИШИМИЗ ҲАМ ЎЗГАРМАЙДИ

Тошкент шаҳар партия ташкилотининг таълимий таҳлил натижалари қандай бўлди?

2017 йил 12 июль кун Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар вакиллари билан ўтказилган видеоселекторда белгиланган устувор йўналишлар бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар Дастури асосида Ўзбекистон ХДП тизимида муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, сайловчилар ва электорат вакиллари билан мулоқотни сон ҳамда сифат жиҳатидан яхшилаш, депутатлик бирлашмаларининг ҳудудлардаги муаммоларини ҳал этишда ташаббускорлигини ошириш, минтақавий партия ташкилотларининг моддий-техника базасини бойитиш каби йўналишларда ўзгаришлар кўзга ташланди. Лекин таҳлиллар партияимиз тизимида масъулият ва талабчанликни кучайтириш кераклигини яққол кўрсатмоқда. Бойси, айрим партия ташкилотлари белгиланган вазифалар ижросига совуққонлик билан қараб келмоқда. Партия дастурий мақсадларини тарғиб қилиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, депутатлик гуруҳлари орқали жойларда ечимини қутаётган ўқир муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишда ҳали-ҳамон дадиллик, қатъиятлик етишмапти. Мулоҳазаларимизни Тошкент шаҳар партия кенгаши фаолияти мисолида давом эттирамиз.

2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, шаҳарнинг доимий аҳолиси сони 2 510 минг кишини ташкил этган. Бу ерда партияимизнинг 42 538 нафар аъзоси бор. Мамлакат пойтахти бўлгани учун бу шаҳарда иқтисодий-иқтисодий ривожланиш бошқа ҳудудларга қараганда анча илдамроқ, имкониятлар эса кўпроқ.

Ўзбекистон ХДП тизимида олиб қарайдиган бўлсак, Тошкент шаҳар партия кенгаши ҳам катта куч ва салоҳиятга эга. Партия таш-

дан етарли даражада фойдаланишмаяпти. Масалан, партияимизнинг амалий Ҳаракат дастури бўйича биринчи ярим йиллик учун белгиланган 22 масаланинг аксарияти депутатлик гуруҳлари йиғилишларида қўрилиши билан чекланилган.

Шу ўринда савол туғилади. Масалаларни доимий комиссиялар ва сессия муҳокамасига олиб чиқишга нима тўсқинлик қилди? Партиядан сайланган депутатларимиз бошини қовуштириб, уларнинг салоҳияти ва имкониятларидан самарали фойдаланиш биринчи навбатда шаҳар партия ташкилотини раҳбарияти зиммасидаги вазифа эди.

Бугунги кунда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида партияимиздан сайланган 16 нафар, туман кенгашларида 47 нафар депутат фаолият олиб бормоқда. Партия гуруҳлари жорий йилда 27 масалани ўз йиғилишларида қўриб чиққан, шундан 5 масала доимий комиссия ва сессиялар кун тартибига киритилган. Ушбу кўрсаткичлар бошқа ҳудудлардаги депутатлик бирлашмалари натижалари билан таққосланса, Тошкент шаҳридаги партия гуруҳлари 12-ўринда турибди.


Маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан ижро органларига фуқаролар мурожаатлари асосида 89 та депутатлик сўрови юборилган. Шундан 80 таси ҳал этилган, қолганлари эса назоратга олинган қайд этилган. Аммо сўровларнинг асосий қисми тор доирадаги масалаларга қаратилган. Ижро органлари раҳбарларининг 5 мартаба ҳисоботи эшитилган. Аммо, бу рақамлар қонқарли натижаларни акс эттираётгани

ни партия сафига қабул қилиш имконига эга бўлиш мумкин эди.

Хотин-қизлар билан ишлаш, уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш йўналиши бўйича жорий йилнинг биринчи ярмида «Ҳар бир инсонга меҳр-муруват кўрсатиш — бурчимиз!», «Ижтимоий кўмак ташаббускорликка йўл очмоғи керак!» лойиҳалари доирасида Фарғона вилоятида 500, Сурхондарё вилоятида 400 нафардан ортиқ ногиронлиги бўлган аёллар ҳолидан хабар олинган. Бироқ Тошкент шаҳрида фақатгина 63 нафар ногиронлиги бўлган аёл хонадонига борилиб, суҳбатлашилган. Эътибор беринг, «борилган». Ўрганилган муаммоларнинг ечимига келганда, қуруқ ваъдалар билан чекланилган.

Тошкент шаҳрида партиянинг 12 та туман кенгаши мавжуд бўлиб, бу кўрсаткич 1 та туман 6 ой давомида 3 нафар, 2 ойда 1 нафар ногиронлиги бўлган аёллар ҳолидан хабар олинганлигини кўрсатмоқда. Ваҳоланки, мазкур лойиҳалар Президентнинг ўтган йил 2 февралдаги фармонида белгиланган вазифалар асосида ишлаб чиқилиб, амалга таътиб қилинган. Лойиҳалардан қўзланган мақсад ногиронлиги бор хотин-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш, муаммоларини ўрганиб, бартараф этишга кўмаклашишдан иборат эди.

Партияимиз Сайловолди дастури асосида ишлаб чиқилган ушбу лойиҳалар Тошкент шаҳрида фақат 6 туманда ташкил этилган. Қолган 6 та, яъни Бектемир, Чилонзор, Мирзо Улуғбек, Юнусобод, Яккасарой туманлари ҳамда «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ногиронлиги бўлган аёллар ҳолидан хабар олинмаган. Партия электорати манфаатла-



УЙ ВАТАН, МУЛК ЖОН КАБИ АЗИЗ «СНОС» билан бозглиқ муаммоли ҳолатлар ҳамма ҳудудда адолатли ҳал этиляптими?

Мамлакатимиз улкан қурилиш, ободонлаштириш майдонига айлангани ҳақида кўп илиқ фикрлар айтиш мумкин. Тор йўллар кенгайтириляпти, яшаш учун тузукроқ шароити йўқ эски ва тикилишч йўллар ўрнида кўркам, инфратузилмалар иморатлар барпо этиляпти. Мунтазам ишлайдиган сув тизими, машина бемалол кириб-чиқадиган йўли, ҳатто 10 метр канализацияси бўлмаган, лекин 40-50 йилдан бери шаҳар деб аталадиган ҳудудлар янги қиёфага қиялпти. Бунинг учун қанчадан-қанча одамлар кечаю кундуз тиним билмай меҳнат қиляпти. Кўнгли ёзиб афшага шароит яратилётган масканлардаги аҳоли мамнун, қўли дуода. Юрдаги қурилиш, ободонлаштириш ҳақида гап кетганда, бу ҳақда эсламаслик инсофдан бўлмайди.


Лекин айрим ҳудудлардаги ҳокимлару масъулларнинг ўқувсизлиги, масъулиятсизлиги, айтиш мумкинки, маданиятсизлиги ноҳақлик ва норозиликларга сабаб бўляпти. Шунинг оқибатида баъзи туманларда одамлар қурилиш, ободонлаштириш» деб аталадиган ишлардан беэиб қолаётгани, афсуски, ҳақиқат. Янгида қурилиш режалаштириляётган-замонавий иморатлар одатда одамлар яшаб турган эскироқ уй-жойлар, тадбиркорлар дўконлари жойлашган ҳудудларга тўри келяпти. Янги лойиҳага киришишдан олдин биринчи навбатда бузилиши кўзда тутилган уй-жойлар, яъни мол-мулк эгалларини рози қилиш зарур. Ободлик рози-ризолик билан бўлгани яхши. Аммо бу борадаги ишлар борган сари чигаллашиб кетаётгани ўтган ҳафта Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида рўй берган воқеалар мисолида яна бир бор намоён бўлди.

Кўнгли ёзиб афшага шароит яратилётган масканлардаги аҳоли мамнун, қўли дуода. Юрдаги қурилиш, ободонлаштириш ҳақида гап кетганда, бу ҳақда эсламаслик инсофдан бўлмайди.

Лекин айрим ҳудудлардаги ҳокимлару масъулларнинг ўқувсизлиги, масъулиятсизлиги, айтиш мумкинки, маданиятсизлиги ноҳақлик ва норозиликларга сабаб бўляпти. Шунинг оқибатида баъзи туманларда одамлар қурилиш, ободонлаштириш» деб аталадиган ишлардан беэиб қолаётгани, афсуски, ҳақиқат. Янгида қурилиш режалаштириляётган-замонавий иморатлар одатда одамлар яшаб турган эскироқ уй-жойлар, тадбиркорлар дўконлари жойлашган ҳудудларга тўри келяпти. Янги лойиҳага киришишдан олдин биринчи навбатда бузилиши кўзда тутилган уй-жойлар, яъни мол-мулк эгалларини рози қилиш зарур. Ободлик рози-ризолик билан бўлгани яхши. Аммо бу борадаги ишлар борган сари чигаллашиб кетаётгани ўтган ҳафта Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида рўй берган воқеалар мисолида яна бир бор намоён бўлди.

Кўнгли ёзиб афшага шароит яратилётган масканлардаги аҳоли мамнун, қўли дуода. Юрдаги қурилиш, ободонлаштириш ҳақида гап кетганда, бу ҳақда эсламаслик инсофдан бўлмайди.

Лекин айрим ҳудудлардаги ҳокимлару масъулларнинг ўқувсизлиги, масъулиятсизлиги, айтиш мумкинки, маданиятсизлиги ноҳақлик ва норозиликларга сабаб бўляпти. Шунинг оқибатида баъзи туманларда одамлар қурилиш, ободонлаштириш» деб аталадиган ишлардан беэиб қолаётгани, афсуски, ҳақиқат. Янгида қурилиш режалаштириляётган-замонавий иморатлар одатда одамлар яшаб турган эскироқ уй-жойлар, тадбиркорлар дўконлари жойлашган ҳудудларга тўри келяпти. Янги лойиҳага киришишдан олдин биринчи навбатда бузилиши кўзда тутилган уй-жойлар, яъни мол-мулк эгалларини рози қилиш зарур. Ободлик рози-ризолик билан бўлгани яхши. Аммо бу борадаги ишлар борган сари чигаллашиб кетаётгани ўтган ҳафта Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида рўй берган воқеалар мисолида яна бир бор намоён бўлди.



килотлари ва депутатлик бирлашмаларининг пойтахт ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида узундан-узқоқ гапириб шарт эмас.

Таҳлиллар Тошкент шаҳар партия кенгашида кадрлар кўнимсизлиги одатий ҳолга айланиб қолганини кўрсатмоқда. Партиянинг туман кенгашларида ҳали-ҳамон дастурлар ижросига эътиборсиз қараш ҳоллари учраб турибди. Кадрларни танлаш бўйича ишчи гуруҳнинг фаолияти, партия тизими учун муносиб кадрлар танлаш, ўқитиш ва уларнинг заҳирасини яратиш масалаларида ҳам сусткашликка йўл қўйилган. Партия дастурий мақсад ва вазифаларини аҳолига етказиш, партия сафига янги аъзоларни қабул қилиш ҳамда бошқа масалалар борасида ҳам бир қатор камчиликлар кўзга ташланди.

Шунингдек, ҳудудда сиёсий-маърифий ўқувлар ўтказишга туман партия кенгашлари бирдек масъулият билан ёндашмаган. Хусусан, Олмазор, Яккасарой ва Серғели туман партия кенгашлари томонидан бундай ўқувлар бошланғич таълимий-таълимий ўтказилмаган. Шунингдек, мазкур туманларда ташкил этилган оммавий тарғибот тадбирларида электорат манфаатлари ифода қилинмаган.

Тадбирларга депутатларни жалб этиш, бошланғич партия ташкилотлари аъзолари иштирокини мунтазам таъминлаш ишлари ҳам суст олиб бўрилган. Бунинг оқибатида аксарият фаол бошланғич партия ташкилотлари билан алоқалар сустайган. Тарғибот тадбирлари орқали бор-йўли 30 фоиз бошланғич партия ташкилотлари қамраб олинган.

Бундан икки йил олдин, яъни 2017 йилнинг декабрь ойида Тошкент шаҳрининг туманларида халқ депутатлари Кенгашлари ташкил қилиниб, сайловлар бўлиб ўтган эди. Унда 330 та депутатлик ўриндан 49 тасини (15 фоиз) партияимиз вакиллари эгаллади, ҳолос. Айниқса, Бектемир, Миробод, Учтепа, Шайхонтоҳур туманларида 30 та ўриндан бор-йўли 3 нафар депутат партияимиздан сайлангани ачинарли ҳолдир. Демак, сайловолди тарғибот тадбирларида таъсирчанлик бўлмаган, электорат ишончини қозониш, сайловчилар билан елкама-елка туришда сусткашликка йўл қўйилган. Бу эса партиянинг имиджига, обрўсига қандай таъсир қилгани ҳаммага аён.

Орадан қарийб икки йил қабул ўтди. Партиядан сайланган ушбу депутатлар ҳам электорат манфаатларига қаратилган масалаларни ўрганиб, партия гуруҳлари, доимий комиссия йиғилишларида муҳокама қилиб, сессияга олиб чиқиш ваколатлари-

ҳақида ижобий фикр билдириш қийин.

Мурожаатларга бефарқ қарашга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Шу боисдан маҳаллий партия ташкилотлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятига беъэтибор қараб бўлмайди. Негаки, электорат вакиллари ташвишга солаётган масалаларни ўз вақтида ўрганиш, муаммолар илдирига етиб бориш, партия гуруҳларимиз орқали ҳал этишда қабулхоналар фаолияти алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ва туман кенгашларида 13 та Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилган. Уларга жорий йилнинг 6 ойи давомида 216 мурожаат келиб тушган ва 155 таси, яъни 72 фоиз ҳал этилган. Қолган 61 мурожаатнинг тақдирини нима бўлган? Ҳеч ким бировнинг эшитгани шунчаки тақиллатмайди. У минг бир ҳадик, андиша, истиҳоло билан мурожаат этади. Бундай ҳолатларга бефарқ қараш партия ташкилотининг обрўсига путур етказиши.

Тошкент шаҳрининг айрим туманларидаги Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти бугунги кун талабига умуман жавоб бермайди. Жумладан, 6 ой давомида Миробод туманида 8, Олмазор туманида 17, «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида 8, Яшнобод туманида 16 мурожаат қайд этилган. Энг қизиғи, Тошкент шаҳар кенгашида 15 нафар фуқаро мурожаат этган. Афсуски, бу рақамлар аъзоларимиз ва кенг жамоатчиликнинг ҳудуддаги партия ташкилотларига муносабатини кўрсатиб турибди.

Ўтган олти ой мобайнида партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ёшлар масаласига оид бир қатор амалий ишлар қилинган.

Дастлаб бир таҳлилга эътиборингизни қаратамиз. «Ёшлар — келажикимиз» Давлат дастури доирасида партияимиз тизимида тарғибот тадбирлари ўтказилиши режалаштирилган эди. Пойтахтимизда биринчи йарим йиллик давомида жами 8 мартаба ана шундай тадбир ташкил этилиб, уларда 1910 нафар йигит-қиз қатнашган. Агар пойтахтда бир ярим миллион нафардан ортиқ ёшлар борлиги ҳисобга олинса, эришилган натижанинг катта ёки кичиклиги яққол кўзга ташланади. Бугунги кунда Тошкент шаҳар партия кенгаши сафига 12500 нафарга яқин йигит-қиз бор. Бу ҳудуддаги ёшларнинг 1 фоизини ҳам ташкил этмайди. Ушбу рақам ҳам партия ташкилотлари ёшлар ўртасида дастурий мақсад ва гоёлари тарғиботини ташлаб қўйганини исботлайди. Ваҳоланки, пойтахтдаги 44 олий таълим муассасасида икки юз мингга яқин ёшлар таҳсил олмақда. Тарғибот ишлари самарали олиб борилганида, минглаб ташаббускор ёшлар-

рини таъминлашга масъулиятсизлик билан ёндашилган.

Бундан ташқари, 6 ойда Ўзбекистон ХДП Серғели, Яккасарой, Юнусобод, Миробод туман кенгашлари, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгаши томонидан хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича бирорта ҳам тадбир ташкил этилмаган.

Жорий йилнинг 10-16 июль кунлари ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан ишчи гуруҳ тузилган ҳолда, Тошкент шаҳар партия кенгаши фаолияти бўйича кенг қамровли таҳлил ўтказилди. Ўрганиш натижаларидан шу нарса маълум бўлдики, шаҳарда партия ташкилотини бино ва иншоотларининг ҳолати, уларни сақлаб туриш, тасарруф этиш ҳамда бошқаришда кўплаб муаммолар, ўз ечимини қўтиб турган масалалар бор.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳар партия кенгаши жорий йилда молиявий-иқтисодий имкониятлар мавжуд бўлса-да, улар ишга солинмаган. Аъзолик бадаллари ҳисобига молиявий барқарор бўлиш имкониятидан фойдаланилмаган.

Ўрганиш жараёнида ўзибўларчилик ва сусткашликка йўл қўйгани учун Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ҳайдар Бобоҳоннов, партиянинг Яккасарой, Олмазор, Серғели туман кенгаши раислари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Юқорида қайд этилган камчиликлар шу йилнинг 23 июль кунини Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ўтказган навбатдаги видеомулоқотда атрофчилик қўриб чиқилди. Айрим туман кенгашларида вазиятни тез фурсатда тубдан ўзгаришиш бўйича аниқ топшириқ берилди. Унда хар бир минтақавий кенгаш ўз фаолиятини чуқур танқидий таҳлил асосида ўрганиши ва натижаларга қараб ҳулосалар чиқарилиши уқтириб ўтилди.

Агар кузатиб бораётган бўлсангиз, мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида сиёсий партиялар фаолияти ҳақида кўплаб таҳлилий, танқидий мақолалар чоп этиляпти. Уларда партиявий фаолият асосан марказий партия идораларида олиб борилиб, бошланғич партия ташкилотлари ўз ҳолига ташлаб қўйилгани қаттиқ танқид остига олинляпти. Биз буни инкор этмаймиз. Қанчонки, бошланғич партия ташкилотининг иши жонланса, амалий ҳаракатлар қуйидан, яъни маҳаллий партия ташкилотларидан бошланса, шунда сиёсий куч ишида аниқ самара кўзга ташланади. Сайловчиға яқин турган ташкилот улар билан ишламаса, натижани бошқа жойдан қидиришдан фойда йўқ.


Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ахборот хизмати.

Давоми, бошланғич 1-бетда.

ОАВ хабарлари асосида Тўлқин ТўРАХОНОВ тайёрлади.

«Пахтачиликда қишлоқ хўжалигининг келажаги, унинг иқтисодий самарадорлиги кластерлар билан боғлиқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 28 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



КЛАСТЕРЛАР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖИДА ЛОКОМОТИВГА АЙЛАНМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг элли фаровон, халқни бой қилувчи инновацион гояларидан бири — кластер тизими мамлакатимизда кенг жорий этилаётган бўлиб, хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзининг юксак самарасини кўрсатмоқда.

Юрт тараққиётини, мамлакат қудратини белгилувчи омиллар жуда кўп. Аммо тинчлик ва фаровонликни ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Ўзбекистонда сўнгги икки йилда амалга оширилаётган ислохотлар, янгиланишлар бугун дунё ҳамжамияти томонидан алоҳида эътироф этилаётир. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ҳаётий тажрибаси, оқилона сиёсати, халқ дарди билан яшashi — барча ютуқларнинг замини бўлиб хизмат қилмоқда.

ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЯНГИ ТУЗИЛМА

Халқимиз яқин-яқингача «деҳқоннинг қосаси оқариши» борасидаги гапларга ишонмас эди. Тўғрида, бир пайтлар мамлакатимиз аграр соҳада анча қолоқ бўлгани, бободоҳқонлар йил бўйи минг машаққат билан етиштирган пахтанинг роҳатини бошқа давлатлар кўргани ҳам аниқ ҳақиқат. Бугунчи, вазият тамомилан бошқача. Мамлакатимиздаги ўнлаб замонавий корхоналар томонидан ўзбек толасидан тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат бозорларимизни тўлдирмоқда, балки хорижда ҳам хариддоригр бўлиб бормоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ҳаётга таъбиқ этилаётган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ иқтисодиёт соҳалари, хусусан, қишлоқ хўжалигининг пахтачилик тармоғи тубдан ислох қилинмоқда.

Юртимизда кейинги уч йилда барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги бўйича ҳам муҳим дастурлар, «Йўл харита»лари ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этишининг кластер модели кенг жорий этилаётир. Сўнгги икки йилда пахта-тўқимачилик кластерларига ажратилган ер майдонлари ҳажми мазкур экин тури учун ажратилган қишлоқ хўжалиги ерларининг 52 фоизини ташкил этди. Истиқлолнинг дастлабки йилларида заминимизда етиштирилаётган пахта толасининг атиги 6-7 фоизи ўзимизда қайта ишланган бўлса, бугунги кунда камида 80 фоизини қайта ишлаш имконияти пайдо бўлмоқда. Албатта, бу шунчаки рақамлар эмас. Унинг ортида юрт фаровонлигини юксалтириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш каби эзгу мақсадлар мукжасам.

Пахтамиз ранги, толасининг узунлиги, пишиқлиги ва микронейер кўрсаткичлари билан халқаро стандартларга тўла жавоб беради. Бу унинг жаҳон тола бозорида харидорлигини таъминлайдиган энг муҳим жиҳатларидир. Аммо Президентимиз таъкидлаганидек, ушбу толани ўзимизда қайта ишлаб, тайёр маҳсулот шаклида жаҳон бозорига олиб чиқасан-чи? Даромад бир неча баробарга ошиши табиий. Қолаверса, пахта ўсимлигининг олинандиган яна юзлаб маҳсулотлар ҳам борки, буларнинг барчаси иқтисодий самарани бир неча баробарга оширади. Энг муҳими, қўллаб янги иш ўринлари яратилади.

Сирдарё вилоятида тажриба сифатида Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси «Bek cluster» масъулияти чекланган жамияти агросаноат соҳасида биринчи кластер сифатида ташкил этилган бўлса, бугун юртимизнинг барча ҳудудларида бу тажриба янада оммалашмоқда. Бир сўз билан айтганда, юртимиз иқтисодиётидаги янги тузилма пахтачилик-тўқимачилик кластерлари катта самарадорликка эришишни бошлади.

НУФУЗЛИ КОМПАНИЯ ҲАМ МУҲИМ ҲАМКОР

Президентимизнинг мазкур гоясини хорижий давлатларнинг нуфузли компаниялари ҳам қўллаб-қувватлаб, бу соҳада ҳамкорликни амалга ошираётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 августдаги «Ўзбекистон Республикасида «Индорама» (Сингапур) компанияси томонидан замонавий пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Сингапурнинг "Индорама" компанияси мамлакатимизда пахтачилик-тўқимачилик кластерини ташкил этиш учун 340 миллион доллар сармоа киритмоқда.

Шу ўринда "Indorama Group" компанияси ҳақида бир сўз сўз. Мазкур компания 1976 йилда ташкил этилган бўлиб, бош қароргоҳи Сингапурда жойлашган. Жануби-Шарқий Осиёнинг энг йирик ип-калава (500 минг калава) ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади. Компаниянинг тўқимачилик корхоналари Индонезия, Таиланд, Туркия ва Шри-Ланкада жойлашган. Йилга ип-калава ишлаб чиқариш ҳажми 135 минг тоннани ташкил этади (шундан 26 фоизи Ўзбекистонда). Тўқимачиликдан ташқари, компания нефть ва газ-киме тармоқларида, полиестер ва синтетик матолар, кимёвий ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича йирик қувватларга эга. Компания жаҳоннинг энг йирик полиестер ип ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади, унинг жаҳон бозоридagi улуши 5 фоиздан ортиқ. Компаниянинг 28 мамлакатда жойлашган 70 ишлаб чиқариш корхонасида 30 мингдан ортиқ ишчи меҳнат қилмоқда. Умумий йиллик даромад 10,5 миллиард долларни ташкил этади.

Мазкур компания мамлакатимизда ҳам йирик лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. 2010 йилда қурилиши тугалланмаган «Кўкон текстиль комбинати» мажмуаси мулки негизда «Indorama Kokand Textile» Ўзбекистон — Сингапур қўшма корхонаси ташкил этилди. Утган даврда лойиҳа асосида ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳажми 164 миллион долларни ташкил этди. Аини пайтда бу ерда 1 минг 250 ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосий қисми хорижга экспорт қилинаётир.

— Ўзбекистон пахтачилик ва тўқимачилик соҳасида жаҳон бозорида ўз ўрнига эга, — дейди қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш директори Сендеп Бора. — Корхонамизда бир йилда 50 минг тонна пахта қайта ишланиб, сифатли ип-калава тайёрланмоқда. Бу маҳсулотларга Туркия, Хитой, Жанубий Корея ва бошқа давлатларда талаб катта. Яқинда Мисрда хизмат сафарига бўлганимда экспертлар томонидан ўзбек толасининг сифати юқори баҳоланди. Бу алоҳида эътирофга лойиқ. Шунингдек, компаниямиз турли йўналишларда йирик лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Юртингизда яратилган имкониятлар туфайли қўшма корхонамиз томонидан ҳам пахтачилик кластерларини ташкил этиш ишларига муҳим эътибор қаратилмоқда.

«Indorama Group» компаниясининг 2019-2023 йиллар учун мўлжалланган пахтачилик-тўқимачилик кластер лойиҳаси икки босқичдан иборат бўлиб, аини пайтда Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида мазкур йўналишдаги ишлар бошлаб юборилган. Фаргона ва Жиззах вилоятларида эса келгуси йилдан бошланади. 225 миллион доллар маблағ пахта хомашеси, маккажўхори ва бошқа маҳсулотлар етиштиришга йўналтирилади. Бундан ташқари, компания пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш ва пахтадан йиғирилган ип ишлаб чиқаришни ташкил этиш (иккинчи босқич) учун яна 115 миллион доллар сармоа киритади. Ишлаб чиқариш "Indorama Kokand Textile" масъулияти чекланган жамияти

шаклидаги қўшма корхонанинг мавжуд қувватларида жойлашган.

АГРАР СОҲАНИНГ «ЛОКОМОТИВИ»

Хўш, пахтачилик-тўқимачилик кластери нима, унинг қандай афзалликлари бор?

Кластер усули қишлоқ хўжалигида ерни шудгорлашдан тортиб, экиш, парваришлаш ва хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараёндаги кўп босқичли комплекс тизимни ўз ичига олади. Бу янги технологик занжирга бирлаштирилган корхоналар мажмуи бўлиб, у илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, янги технологияларни амалиётга жорий этиш имконини беради. Ўзбекистон тўқимачилик ва енгил саноати тизимида кластерларни шакллантириш масаласи мамлакат миқёсида эмас, балки минтақада — вилоятлардаги аниқ иқтисодий — ижтимоий шарт-шароитлар асосида, кластер назариясининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилаётгани энг оқилона йўللардан биридир.

Пахта-тўқимачилик кластери нафақат енгил саноатни, балки ўз йўлида қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, фармацевтика, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби ўнлаб тармоқларни ҳам қамраб олади. Мазкур тизимнинг пировард мақсадида юқори сифатли, «Ўзбекистон» бренди остида маҳсулотлар яратиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, бандлигини таъминлаш ва муносиб меҳнат шартлиларини яратиш каби муҳим масалалар ечими ўз ифодасини топаган.

Пахтадан рақобатбардosh маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида Президентимизнинг 2017 йил 14 декабрдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Шу асосда Вазирлар Маҳкамаси пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшма чора-тадбирлар режасини қабул қилди. Пировардида, пахтачиликда илгор агротехнологиялар жорий қилиниб, кластер корхоналари ёрдамида фермер хўжаликлари ҳам замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминланмоқда. Биргина 2018 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 14 пахта-тўқимачилик кластерини ташкил қилинди. Улар томонидан 368 минг тонна пахта хомашёси етиштирилиб, қайта ишланмоқда. Жорий йилда мамлакатимизда 48 пахтачилик-тўқимачилик кластери ташкил этилди.

Кластер тизимининг яна бир афзал жиҳати техникалар харид қилишда ҳам қўл келмоқда. Яъни, пахта-тўқимачилик кластерлари қишлоқ хўжалиги техникалари паркинни яратиши, эҳтиёжига кўра зарур янги қишлоқ хўжалиги техникаларини чет элдан 2020 йил 1 январга қадар божхона тўловларисиз олиб келиши мумкин. Шу имтиёздан фойдаланган кластер корхоналари 2018 йилда 1400 га яқин замонавий, тежамкор қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилди.

Сир эмас, хомашёдан кўра, уни тайёр маҳсулот қўрнинишда сотиш, экспорт қилиш ҳам давлатга, ҳам ишлаб чиқарувчига фойда келтиради. Кластер тизимида эса шу мақсадга эришиш мумкин.

«ИНДОРАМА» КОМПАНИЯСИ: ХОМАШЁДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТГАЧА

Қашқадарё вилоятида кластер асосида иш бошлаган «Индорама агро текстиль» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхона самарали фаолият олиб бормоқда. Мазкур хорижий корхонага вилоятнинг Касби ва Нишон туманларидан қарийб 11 минг гектар ер майдони ажратилган. Аини кунларда ушбу майдонларда пахтанинг «Бухоро-8» ва «Бухоро-6» навлари

парваришланмоқда.

— Асосий эътиборни сифатли маҳсулот етиштиришга қаратганмиз, — дейди корхона иш бошқарувчиси Ҳиматулла Бўриев. — Бунинг учун барча агротехник тадбирларни амалга ошириб келмоқдамиз. Дастлаб чигит экиладиган ер тўлиқ шудгор қилиниб, икки сира дилнабаза қилинди. Сўнг пушта олиниб, уруғ қадалди. Экиш билан бирга гектарига 200 килограммдан фосфор, 50 килограммдан калий ва 50 килограммдан азотли ўғит берилди. Бу чигитнинг бир текис униб чиқишига хизмат қилди. Ўза қатор ора-ларига 4 марта культивация ва бир марта рихнители билан ишлов бердик. Уч бора минерал ўғитлар билан озиклантирилди. Ўғитлар сарфи гектарига 800 килограммдан тўғри келмоқда. Бундан ташқари, сув қўйиш тадбирлари ҳам вақтида амалга оширилаётир. Аини пайтда пахта майдонларимизга иккинчи сув олиномоқда. Чет эллик ҳамкорларимиз томонидан жўнатилган мутахассислар тавсиллари иш унумини янада ортирмоқда. Ўзаларнинг ривожланиши кўнгилдагидек. Насиб бўлса, жорий йилда ўртача 40 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаяймиз.

Дарақиқат, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилишида қишлоқ хўжалиги техникаларининг ўрни беқийс. Шу боси аини пайтда корхона тасарруфидagi ўза майдонларида хориждан келтирилган «Orthman» русумли 25 донга энг сўнгги русумдаги қишлоқ хўжалик техникалари куну тун ишланмоқда. Улар агротехник ишларни сифатли бажариш билан бирга иқтисодий самарадорликка ҳам эга. Масалан, бундай тракторлар орқали бир кунда ўртача 65-70 гектар ўзани култивация қилиш мумкин.

— Техника деҳқоннинг кучига куч қўшади, — дейди корхона муҳандиси Раҳматулла Чўлпиев. — Техникаларимизнинг барчаси автоматлашган. Битта тракторга 3 механизатор бириктирилган. Навбатма-навбат ишланиши эвазига иш унуми юқори. Тракторлар салонларида йилнинг исталган об-ҳаво шароитида эмин-эркин ишлаш имконияти мавжуд. Шунинг учун механизаторларимиз қийналмайди. Дори сепадиган техникаларимиз ҳам жуда самарадор. Бир кунда 200-250 гектар майдонга кимёвий воситаларни сепа олади. Уларнинг узлуқсиз ишлаши учун замонавий ёқилги ташкилчилари ҳам харид қилинган. Ҳар бири 8 минг литрдан зиёда ёқилги ситимида эга. Ёқилги даланнинг бошигача етказиб берилмоқда. Мақсад ўзанинг баравж ривожланишини таъминлаш.

Ўза парваришида сугориш тизимининг яхши йўлга қўйилгани ҳам муҳим. Чўнки ишлов берилиб гулга ўтирган ўзалар тез сувга келади. Бунинг учун корхона жамоаси мавсум бошидан пухта тайёргарлик кўрди.

— Корхонамизга қарашли ерларда 113 сув олиш иншооти, 267 километр сув йўллари мавжуд, — дейди корхона бош ирригатори Ўткир Фойлов. — Сугориш мавсуми бошлангунча қадар 40,5 километр канал ва ер ариқлар тозаланди. 171 километр масофадаги шох ва ер ариқларда кўл кучи билан ҳайров тадбирлари амалга оширилди. Сувни ростлаш учун лотокларга 70 донга, каналлардаги сувни ростлаш учун эса 34 донга ҳар хил ўлнамдаги янги сув тўсиш дарвозалари ўрнатилди. 10 донга СНП 500/10 маркали насос ва 10 донга ток берувчи трансформаторлар тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, корхона ҳисобидан 2 донга СНП 500/10 Маркали янги насослар ўрнатилди. Шу боси сугориш тизимида муаммолар йўқ. Ишчи ва хизматчиларнинг барчаси махсус этик, фонар ва сув тараш учун зарур бўладиган бошқа ашёлар билан таъминланган.

Масалан, Касби туманидаги пудратчи Габулла Ҳайдаров даласида ҳам аини кунларда иш қизган. 52 гектар майдонда парваришланаётган ўзалар баравж ривожланмоқда. Боси далада ишлар тизимли йўлга қўйилган. Ҳозир бригадир пахтага иккинчи сувни олган. Бир текис эгитларда маҳаллий ўғит аралаштирилиб, шарбат усулида оқизилаётган сув қийналмай юрмоқда.

— Меҳнат қилган, албатта, барака топади, — дейди Ҳ.Ҳайдаров. — Экиш мавсуми бошлангандан бундан дала шийпонига оилавий кўчиб келганмиз. Шу ернинг ўзида икки маҳал иссиқ овқат ташкил қилинган. Ўтаётган ҳар бир кун ўза ривожини учун муҳим. Шунинг учун кечаню кундуз ишлаяпмиз. Ойлик маошлар вақтида тўланмоқда. Ҳозир ўзаларимиз 12-13 тагача қўсак солди. Насиб этса уларнинг сони 20 донадан ошса, кутилган натижани беради. Ҳосил қўғи баланд бўлади. Кластер усулида ишлаш бизга жуда маъқул бўлди. Илгари техника, минерал ўғит, ёқилги, сув масаласи бўйича жуда овора бўлар эдик. Далада иш қилиб, ўша муаммоларни ҳал қилиш билан банд бўлиб қолардик. Натижада ҳеч бирини вақтида амалга ошира олмадик. Ҳозир эса ҳаммаси муҳайё. Фақат ишлаш керак.

Кластер усули жорий этилиши одамларимизнинг ерга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирмоқда. Бунга доимий иш ўрни ҳамда моддий манфаатдорлигини таъминлаш орқали эришилмоқда. Мўҳими, хомашёни чуқур қайта ишлаб, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулот тайёрлаш ва уни экспорт қилишдан катта даромад олишидир.

Корхона жамоаси галладан бўшаган майдонларга 2020 йил ҳосили учун ерларни тайёрлаш ишларини ҳам бошлаб юборган. Шунинг учун ҳозирда 4 та хориждан келтирилган замонавий лазерли дилнабаза ерларни обдон текислаш ишларини олиб бормоқда. Улар орқали жорий йилда 400 гектар ерни текислаш режалаштирилган. Чўнки ер қанчалик текис бўлса, самарадорлиги шунча юқори бўлади.

Дарақиқат, Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Пахтачиликда қишлоқ хўжалигининг келажаги, унинг иқтисодий самарадорлиги кластерлар билан боғлиқ. Кластерлар аграр соҳани жадал ривожлантиришининг «локомотиви» бўлиши керак». Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилаётган бу каби улкан ислохотлар одамларни ҳаётдан рози қилиш, юрт фаровонлиги ва равангаи учун хизмат қилиши билан тарих зарварлақларидан жой олади.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
Ўлмас БАРАТОВ,
Ўза муҳбирлари.

Матбуот анжумани

Қонунчилик-даги янгиликларга бағишланди

Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони лойиҳаси юзасидан матбуот анжумани ўтказилди. Лойиҳага кўра, давлат нотариал идораларини босқичма-босқич нотариатнинг нодавлат шаклига ўтказиш назарда тутилган. Шунингдек, барча нотариал идораларнинг мажбурий аъзолигига асосан Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатаси ташкил этилади.

Мазкур ҳужжатга биноан айрим турдаги битимларни мажбурий нотариал тасдиқлаш тартибини бекор қилиш ҳамда янги турдаги нотариал ҳаракатларни жорий этиш белгиланган.

Уй-жойни бошқа шахсга ўтказиш, мол-мулкларни ижарага (арендага), текин фойдаланишга беришда айрим талабларни бекор қилган ҳолда ушбу битимларни расмийлаштириш жараёнларини соддалаштириш кўзда тутилган.

Масофадан туриб, шу жумладан, видеоконференцалоқ орқали нотариал ҳаракатларни амалга ошириш механизмни жорий этиш ҳам лойиҳада ўз ифодасини топаган.

Фуқароларни нотариус касбий мажбуриятларини бузиши натижа-сида етказиладиган зарардан муҳофаза қилиш мақсадида нодавлат нотариал идоралар нотариусларининг фуқаролик жавобгарлигини сугурталаш, нотариусга электрон муросхат қилиш механизминини тақомиллаштириш орқали текзор нотариал хизматлар кўрсатиш ва бошқалар назарда тутилган.

Нотариатнинг фаол нодавлат шаклига ўтиши натижа-сида нота-риуснинг моддий манфаатдорли-гининг ошиши аҳолига текзор ва сифатли нотариал хизмат кўрсати-шини таъминлайди, низоларнинг олдини олувчи институт сифатида янада ривожланишига хизмат қила-ди. Ўзбекистон Республикаси Нота-риал палатаси барча нодавлат но-тариал идоралари нотариусларини мувофиқлаштирувчи, улар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ягона ташки-лот бўлади.

Бундан ташқари, матбуот анжу-мани давомида Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган яна бир ҳужжат лойиҳаси — Ўзбеки-стон Республикаси «Бепул юридик ёрдам тўғрисида»ги қонуни лойиҳа-си ҳақида ҳам маълумот берилди.

Қонун лойиҳасига асосан бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизимини бошқариш, мувофиқлаштириш ва тартибга солиш бўйича ягона тизим жорий этилади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга жиноий суд ишини юритиш билан бирга маъму-рий ва фуқаролик ишларида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсати-шини таъминлаш ҳам белгиланаял-ти. Бепул юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланган шахслар тоифалари ҳамда бундай ёрдамни кўрсатиш шартлари, давлат ҳисобидан жалб қилинган адвокатларнинг фаолияти натижадорлиги ва сифатини баҳо-лашга ҳам алоҳида эътибор қара-тилади. Масалан, лойиҳада давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам кўрсатишни бошқариш, мувофиқ-лаштириш ва назорат қилиш Адлия вазирлиги ҳузурида ташкил этилади-ди. Бепул юридик ёрдам марказига юклатилмоқда.

Шунингдек, лойиҳада аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифа-ларига ҳуқуқий маслаҳат ва ҳуқу-қий ахборот шаклида бирламчи бепул юридик ёрдам, адвокатлар томонидан фуқаролик, маъмурий ва жиноят ишлари бўйича мала-кали юридик ёрдам кўрсатишининг шаффоф механизминини яратиш белгиланмоқда. Лойиҳанинг қабул қилиниши амалиётда давлат ҳисо-бидан жалб этиладиган адвокатлар билан боғлиқ муаммоларни тўлиқ бартараф этишга ҳамда тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида фуқароларнинг юридик ёрдамга бўлган конституциявий ҳуқуқини таъминлашга хизмат қи-лади.

Тадбирда журналистлар ушбу қонун ҳужжатлари лойиҳаларини юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



Сайёрамизда яшайдиган аёлларнинг 5 фоизи юқори бошқарув лавозимларида фаолият юритмоқда.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛ БЎЛСА, мамлакат тараққий этиб, халқнинг фаровонлиги ошади



Акмал САЙДОВ,
академик

Дунёда аёллар шайхига айтилган, аёл зотини ўлғовчи сўзлар кўп, ҳикматлар кўп. Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 21 июнда Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида сўзлаган нутқида жамиятда «Шахс-Оила-Жамият-Давлат» деган тушунча ва қадриятлар нечоғли муҳим ўрин тутишига алоҳида эътибор қаратар экан, «Аёлга бўлган ҳурмат-эътибор — бу аввало оилга, жамият келажакига бўлган ҳурмат-эътибор ифодасидир», деб аёл зотиға юксак таъриф берди.

Ҳақиқатан ҳам, аёл энг юксак эъзоз ва эътиборга муносибдир. Ҳадиси шарифларда аёллар ҳуқуқига қўллаб-қувватлов берилган, уларнинг барчасида аёлларга яхши муносабатда бўлган киши энг яхши фазилатларга эга инсон сифатида таърифланади. Имом Термизий «Сизларнинг яхшиларингиз аҳли аёлига яхши муносабатда бўлганингиз. Мен сизларнинг орангиздаги аҳли аёлига яхши муносабатда бўлганингиз», деган муборак Ҳадиси ёзиб қолдирган.

Халқимиз қадим-қадимдан хотин-қизларимизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб келган. Тумарис ва Бибихоним, Гулбаданбегим ва Зебуниссо, Нодирбегим ва Анбар отин каби оқил моҳирларимиз аёл зотининг жасуриги, ақлзаковати тисмонли бўлишган. Улар Ватан ҳимоясида, илм ва маърифатда, давлат бошқарувида фаол иштирок этишган.

Юртимизда ушбу анъана изчил давом этмоқда. Бу ҳақда сўз борганда, қўллаб-қувватлов, фидойи опа-сингиллар ҳақида тўхталиш мумкин. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таълим тизимининг жонқуяр ва ёшларимизнинг меҳрибон устози, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси Дилшодахон опа Дадажоновани улардан бири, деб ҳисоблайман.

Дилшодахон опа Андиқон туманида туғилган, 1966 йили, яъни 17 яшарлигида Россиянинг Кубан давлат университетиға ўқишга кирган. Бу ерда 1971 йилгача таҳсил олиб, ўқитувчи ва сивастунос мутахассисликлариға эгалланган.

Сўнгра юртимизға қайтиб, узоқ йиллар Наманган вилояти Поп туманида мактабларда ўқитувчилик қилди.

Дилшодахон опа кўп йиллар давомида Поп тумани, кейинчалик Наманган вилояти ёшлар ва партия ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Ўзбекистон ёшлар қўмитасининг биринчи котиби лавозимида фаолият олиб бorgan, 1985-1987 йилларда бирга ишлаганимиз.

Ушба даврда Дилшодахон Дадажонova тисмонлида ўзбек аёли раҳбарлик лавозимларида самарали фаолият юртиш асосидада ўзининг иқтидор ва салоҳиятини намоён қилишға қанчалик муносиб эканига қатъий амин бўлганмиз. Дилшодахон опани олима сифатида ҳам яхши биланам ва ҳурмат қиламан.

У 1983-1985 йилларда Москвадаги Ижтимоий фанлар академиясининг аспирантурасида таҳсил олган. Шундан кейин изчил таълиқотлар олиб бориб, тарих фанлари номзоди илмий даражасини ёлган.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки даврида Дилшодахон Дадажонova Наманган вилояти ҳокимининг

ўринбосари, кейинчалик вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлади.

Қандай лавозимда ишласин, юртимиз равнақи йўлида ўз билим ва тажрибаси, иқтидор ва салоҳиятини намоён этишға ҳамиша интилиб келди.

Биргина мисол: Дилшодахон опанинг саъй-ҳаракатлари туфайли Наманган вилоятида иқтидорли болаларнинг лицей-интернатлари сони 21 тага етказилган. Бу ўқув муассасалари битирувчиларининг 85-97 фоизи олий ўқув юртиларига ўқишға кирган.

Дилшодахон Дадажонованинг меҳнат фаолияти давомида вилоятдаги таълим муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланган. Мактаблари тоза ичимлик сув билан таъминлаш, иситиш тармоқларини табиий газга улаш, телефон тармоқларини қўлайтириш, ўқув синфларини замонавий компьютер техникаси билан жиҳозлаш, янги спорт майдонлари қуриш ишларига эътибор қўчайтирилган. 1998-2011 йилларда биргина Наманган шаҳрида 5 та янги мактаб бунёд этилган. Барча ўқув муассасаларига ҳомий ташкилотлар бириктирилиб, ҳар янги ўқув йилида мактабларни барвақ ва сифатли таъмирлашға эришилган. Шунингдек, кам таъминланган оила-лар фарзандлари бепул дарсликлар ва ўқув қуроллари билан мунтазам таъминланган.

Ҳозирги глобаллашув даврида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланмоқда. Чунки 7,7 миллион кишидан иборат дунё аҳолисининг қарийб 51 фоизи аёллардан иборат. Жаҳон хотин-қизлари орасида 14 ёшгача бўлганлар — 9,7 фоиз, 15-19 ёшгача бўлганлар — 10 фоиз, 60 ва ундан юқори ёшдагилар 7 фоизни ташкил этади.

Бу кўрсаткичларни Ўзбекистон мисоллида кўрайдиган бўлсак, ҳозирги вақтда 33,5 миллиондан ортиқ аҳолимизнинг қарийб 50 фоизи хотин-қизлардир. Улар орасида 14 ёшгача бўлганлар — 29 фоиз, 15-30 ёшгача бўлганлар — 28 фоиз, 31-45 ёшлар — 21 фоиз, 46-60 ёшлар — 15 фоиз ва 60 дан юқори ёшдагиларнинг миқдори 7 фоиз.

Сайёрамизда яшайдиган аёлларнинг 5 фоизи юқори бошқарув лавозимларида фаолият юритмоқда. Ўзбекистонда ушбу қўрсаткич қанча? Биз бу борада дунё меъзо-ларидан оқиндаимизми ё ортада ю-ляймизми?

Яна рақамларга мурожаат қиламиз: бугунги кунда юртимиздаги давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 388 нафар аёл раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Шундан 39 нафари — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида, 45 нафари вазирлик ва идораларда фаолият юритмоқда.

Олий Мажлис Сенатида — 17 нафар сенатор, Қонунчилик палатасида — 21 нафар депутат, маҳаллий Кенгашларда эса 2,3 фоиздан зиёда депутат хотин-қизлардан иборат.

Юртимиздаги турли корхоналардаги раҳбар аёллар миқдорида ҳам ўсиш кузатишмоқда. Бу қўрсаткич 2017 йили 44,2 фоиз бўлган ҳолда, 2019 йилнинг ўтган даврида 45,3 фоизга етган.

Иқтисодиёт соҳасида агар тадбиркор аёллар жами тадбиркорлик субъектларининг 29 фоизини ташкил эта, фермер ҳўжалиги раҳбарларининг 5,4 фоизи аёллар экан.

Сиёсат билан шугулланувчи хотин-қизлар 1 минг 837 нафарни ташкил этади. Касаба уюшмалари жами аъзоларининг 48 фоизи аёллар. Шунингдек, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзоларининг 40,8 фоизи; Халқ демократик партияси аъзоларининг 49 фоизи; «Адолат» социал-демократик партияси аъзоларининг 44,7 фоизи; «Миллий тикланиш» партияси аъзоларининг 47,6 фоизи; Ўзбекистон Экологик партияси аъзоларининг 36,9 фоизи аёллар ҳисобланади.

Суд тизимида ишлаётган ҳодимларнинг 12,4 фоизи аёллар, соғлиғи сақ-



лаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 82 фоиздан зиёда, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат соҳаларида 72 фоизни, қишлоқ ҳўжалиғида 45 фоиздан ортиқни, саноатда 38 фоизни хотин-қизлар ташкил этади.

Бу рақамлардан ҳўлоса қилиб, «Ўзбекистон хотин-қизлари — Ватанимиз инсоний салоҳиятининг олтин фондидир», десак, ҳар томонлама тўғри бўлади. Дилшодахон Дадажонova ҳам ана шу олтин фондимиға бевосита мансубдир.

БМТ Бош котиби Антонио Гутерреш жорий йил 11-17 март кўнлари бўлиб ўтган БМТ Хотин-қизлар аҳоли бўлиш комиссиясининг 63-сессиясида қўйд этганидек, «Барчада сиёсат ва ижтимоий ҳаётда хотин-қизлар фаол иштирок этаётган бўлса, ўша жойда иқтисодиёт ўсмоқда, барқарорлик мустаҳкамланмоқда ва фуқароларнинг фаровонлиги юксалмоқда».

Ўз навбатида, БМТнинг Аҳолишу-нослик жамғармаси (ЮНӨПА) Ижрочи директори Н.Кан кейинги йилларда Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, хотин-қизларни рағбатлантириш, гендер тенглик ва репродуктив саломатлигини таъминлаш борасида муҳим ўзаришлар амалға оширилаётганини эътироф этди.

Европа ва Марказий Осиё учун «БМТ-Аёллар» тузилмаси минтақавий раҳбари А.Эл-Ясир ҳам Ўзбекистон ҳўкумати аёлларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишға эришиш йўлида амалий қўраллар қўраётганини юксак баҳолади.

Ўзбекистоннинг хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасидаги сиёсатининг халқроқ даражада эътироф этилаётгани беҳиз эмас. Зеро, Ҳаракатлар стратегиясида хотин-қизларнинг мамлакат ҳаётидаги муносиб ўрнини белгилаб беришға ва жамиятдаги мавқеини янада юксалтиришға қаратилган устувор вази-фалар қўзда тутилган.

Айни чоғда, бу борадаги эзгу ишлар самарадорлигини янада ошириш учун ҳали кўп иш қилиш талаб этилади. Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, «Биз узоқ вақт бу масалаға етарлича эътибор бермасдан, ҳўрматли опа-сингилларимизнинг дарду ташвишларига бепарво қараб келганимиз туфайли йиллар давомида тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бугун, очилгани айтиш керак, осон бўлмаяпти».

Президентимиз томонидан аёллар ва оилаға эътибор билан боғлиқ ушбу гўят муҳим масала айнан парламентнинг юрти палатаси ағли мажлиси муҳокамасиға ҳавола этилгани беҳиз эмас. Бинобарин, Сенат мамлакатимиз барча ҳудудларининг вакиллик органидир.

Бугун замоннинг ўзи барчамиздан юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасидаги ишловларнинг нафақат иштирокчиси, балки ташаббускори ва асосий ижро-чиси бўлишни, бошқаларға намуна кўр-

сатишни талаб этмоқда. Шу маънода, авваламбор, юртимиз хотин-қизларининг сиёсий жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш мақсадида Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларға оқила ва етук аёллар имкон қадар кўпроқ депутат ва сенатор бўлиб сайланишларига эътибор қаратиш лозим.

Президентимиз таъбири билан айтганда, «Парламентта ва маҳаллий Кенгашларға сайланмадиган аёллар сонининг ўсиши қонун ижодкорлиги жараёнида хотин-қизларнинг манфаатлари ва фикрларини ҳисобға олиш имкониятини беради. Шунингдек, давлат бюджети шаклланишида гендер тенглик масалаларини инобатға олиш мумкин бўлади».

БМТ маълумотларига қараганда, парламентларда аёлларнинг вакиллиги бутун дунёда ўсиб бормоқда. Бу қўрсаткич 2018 йилда 24,3 фоизни ташкил этган. Дунёдаги мавжуд парламентларнинг 279 палатасидан 55 тасида, яъни 19,7 фоизда аёллар раҳбардир. Масалан, Нонси Пилосси — АҚШ Вакиллар палатаси спикери ҳисобланган, Валентина Матвиенко — Россия Федерация Кенгаши раисидир.

Мана, янгида Ўзбекистонда Сенат раислиғига Танзила Норбоева сайланди. Бу воқеа юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёллар иштироки фаоллашётганини кўрсатади.

Статистика маълумотлари ўз парла-ментлари ва ҳўкуматларида аёллар 25-30 фоиздан кам бўлган давлатлар оналик ва болалигини муҳофаза қилиш, бола ҳўқуқ-лари, ижтимоий муҳофаза муаммоларини ҳал этишда қўйин-қўйиларға дуч келаётганлигини кўрсатмоқда.

Шундай экан, жаҳон демократик амалиётиға уйғун равишда мамлакатимиз сайлов қонунчилиғида белгиланган вакиллик органларида хотин-қизлар учун 30 фоизлик квотадан тўғри фойдаланиш, фикримизча, миллий манфаатларимизға ҳам, халқроқ андозалар талабларига ҳам тўла жавоб беради.

Шу билан бирга, Президентимизнинг яқин вақт ичида «Эрақлар ва аёлларнинг тенг ҳўқуқлари ва имкониятлари ка-фопатлари тўғрисида» ҳамда «Аёллар-ни таъйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисидаги» қонунларни қабул қилишға доир тақлифлари ҳам нихоятда долзарб. Нега деганда, халқроқ андо-залар талаблари доирасида 2018 йили юртимизда аёллар аҳолини тўдан ях-шилашға доир 15 та норматив-ҳўқуқий ҳўжат имзолангани ҳолда, қонун ижод-корлари томонидан бу борада биронта қонун қабул қилинмаган.

Давлатимиз раҳбари ушбу ташаб-бусларни ўз вақтида ва тўлиқ рўёға чи-қариш учун қайси масалаларға эътибор қаратиш мақсада мувофиқлиги ҳўсу-сида атрофлиқа сўз юритиб, «Авалло, ои-лани мустаҳкамлаш, оналик ва болалиқ-ни муҳофаза қилиш, аёлларнинг ҳўқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиё-

сий, ҳўқуқий ва маданий ҳаётда аёллар-нинг иштирокини кенгайтириш бўйича қонун ижодкорлиги ва парламент назо-ратини қўчайтириш лозим», деди.

Шунингдек, аёлларни иш билан таъ-минлаш, хотин-қизларнинг замонавий касб-ҳўнарларни пухта эгаллаши учун муносиб шaroитлар яратиш, уларнинг ишбилармонлик қўнималарини ривож-лантириш, хотин-қизларни тадбиркор-ликка кенг жалб этиш керак.

Бундан ташқари, аёллар соғлиғи-ни мустаҳкамлаш, оилаларнинг тиббий маданиятини оширишға қўмақлашмиш, жойларда, ҳўсусан, маҳаллапарда хо-тин-қизлар ўртасида олиб борилаётган маърифий-тарбиявий ишлар самара-дорлигини қўчайтириш зарур.

Шу билан бирга, меҳр-оқибатли, оқуён-гил аёлларимизға мутлақо ярашмайдиган салбий иллатлар, яъни хотин-қизлар ўртасида ҳўқуқбузарликлар, жўмладан, жиноятчилик, одам савдоси, оқилавий аж-ришлар, эрта никоҳларнинг ўз жонига қасд қилиш ҳўлатларининг олдини олиш дои-мий эътибор марказида бўлиши даркор.

Бу жараёнларда, фикримизча, қўп йиллик меҳнат фаолияти давомида турли раҳбарлик лавозимларида самарали фао-лият юритиб, бугун бахтиёр умр кечи-раётган Дилшодахон опа Дадажонova каби муҳтарам аёлларимиз таъжрибалари ва имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим, деб ҳисоблайман.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев-нинг таъбири билан айтганда, «Ер юзи-даги ҳар қайси жамиятининг маданий даражаси унинг аёлларға нисбатан муносабати билан белгиланади», деган ҳикмати сўзларининг амалдаги ифодаси-ни ўз қўзимиз билан қўриб турбимиз. Шу ўринда қўпчилигимизни тўлиқлантирган бир мисолни тақдор эслашға тўғри келади. Жорий йил халқроқ хотин-қизлар байрами кўни атоқли ижодкорларимиз Эркин Во-хидов, Абдулла Орипов, Уттир Хошимов турмуш ўртотларига давлат мукофотлари топирилди. Улуг шоир ва мутафаккир Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» таъжирасининг «Эрақлар мартабасиға ет-ган оғриқ аёллар зикри» номли фаслида мазийдан то ўз давригача яшаб ўтган ёки ўзига замондош бўлган ишлом оламида машҳур 35 нафар шайх, орифа хотин-қизларнинг руҳияти, шариати, тарикати, ижодлари ҳўсусида лавҳалар битганини бир эспайлик.

Янада аҳамиятлиси, Навоий бо-бонимизнинг «Фарҳод ва Ширин» досто-нида таърифланган 10 нафар олима қиз, жўмладан, мантик илмида тенгиси Дилоло, астроном Гулнамдод, файласуф Суманбўй, ҳикмат фани билгилмдони Паризод образлари реал ҳаётдан олинган. Уларнинг прототили ҳазратга замондош бўлган закий момоларимиздир.

Шундай экан, бугун замондошлари-миз бўлган оқила ва зўлиқ хотин-қизлар-ни қадрлаш ҳамда улуглаш, уларнинг таъжрибаларидан самарали фойдала-ниш муҳим аҳамиятға эга, деб ўйлайман.

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

Ўзбекистон Республикаси барча масжидларининг (республикамизда 2000 дан ортиқ масжид рўйхатдан ўтган) 2019 йил 19 июль кўнидаги жума намози хўтбаси Ҳайвонларға инсоний, шафқатли муносабатда бўлиш мавзусига бағишланди.

Меҳр-шафқат тамойили

ҳайвонларға муносабатда ҳам кўриниши лозим

Ишлом динининг куч-қудрати шундаки, унинг асо-сини меҳр-муруват, раҳм-шафқат, бағрикенглик тамо-йиллари ташкил этади. Ушбу эзгу хислатлар нафақат ота-онамиз, яқинларимиз, умуман, инсонлар, балки атроф-муҳит, бизни қўрашб турган табиат, ўсимлик дун-ёси ва албатта жониворларға нисбатан муносабатда ҳам намоён бўлиши лозим. Зеро, Яратган бу дунёни инсон, ҳайвонлар ва ўсимлик дунёси билан ялпит муштараклиқа яратган.

Аммо айрим кишлар ҳайвонларға нисбатан шаф-қатсиз муносабатда бўлади, уларға жонсиз буюмде-карайди. Интернетда жониворларға нисбатан ваҳший-ликлар тасвирланган видеолари кўриб, даҳшатға тушасиз. Масалан, Тошкент вилоятининг Олмалиқ туманида бир тўда бола бўғоз итнинг қорниға сим тикиб, устидан бензин қўйиб ёқиб юборган. Қашқада-рёда Халқаро Қизил китобға киритилган Ҳимолой кўн-ғир айигининг ваҳшийларча ўлдирилиши ёки Тошкент шаҳрининг истрохот боғларидан Бирода бўри деб тахмин қилинган итнинг Қўтқарув хизмати ҳодимлари томонидан қўпчилик олдида, улар орасида вояға ет-маган болалар ҳам бор, шафқатсизларча ўлдирилиши қизғин муҳокамаларға сабаб бўлди. Шунингдек, шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ҳўзурдаги қаровсиз ҳайвонларни тутиш бригадаси томонидан ҳайвонларни тутишда бениҳоя шафқатсиз усуллар (аввасиз қалтаклаш, қаттиқ жисмлар билан уриб май-ий қилиш, оёқ-қўлларини узиш) қўлланилиш ҳўлат-лари қайд этилмоқда.

Суд статистикасининг кўрсатишича, ҳайвонларға нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганлик учун ҳў-қуқбузарлик содир этилиш ҳўлатлари ортиб бориши кузатишмоқда.

Бир неча йиллардан бери фаолият юритиб келаёт-ган ҳайвонларни ҳимоя қилиш «Меҳр ва Оқибат» но-давлат нотижорат жамиятининг Ўзбекистон мусылмон-лари идораси билан ҳамкорлиги ҳам жамиятимизда мавжуд ушбу муаммони барқараф этиш, инсонларда ҳайвонларға нисбатан меҳр-шафқат ҳиссини уйғотиш-ға қаратилган.

— Биз учун Ўзбекистон мусылмонлари идораси каби ташкилотлар билан куч-гайратларни бирлаштириш жуда муҳим, — дейди «Меҳр ва Оқибат» ННТ ижроия қў-митаси раиси Тимур Арплов. — Саъй-ҳаракатларимиз бирлашсагина, бу йўналишда қўтилган натижаға эри-шишимиз, ҳайвонларға нисбатан гуманизм гояларини шакллантиришимиз мумкин. Жўма намозида ҳайвон-ларға нисбатан меҳр-шафқатли бўлиш ҳақидаги мав-зунинг кўтарилиши биринчиси эмас. Жорий йилнинг 4 январь кўнидаги жўма намозида ҳам ушбу мавзу ҳақида сўз борганди. Поиттахтдаги масжидлардан би-рида бўлиб, имомларнинг ҳайвонларға нисбатан раҳм-шафқат, инсоний муносабатда бўлишлик ҳақида сўз юритганларининг гувоҳи бўлдик. Фурсатдан фойдала-ниб, «Меҳр ва Оқибат» ННТ ҳодимлари номидан Ўзбе-кистон мусылмонлари идораси раиси Муфти Усмонхон Алимовға мавзунинг ёритилишида бевосита ёрдами учун миннатдорлик билдирмаим.

— Динимиз ҳайвонларға нисбатан раҳмли бўлишға қақиради, бунинг исботи сифатида қўллаб ҳадислар ҳам мавжуд, — дейди Ўзбекистон мусылмонлари идо-раси раиси ўринбосари Иброҳим Имомов. — Масалан, чанқанган итға шафқат кўрсатиб, қўдудан сув олиб берган аёлнинг бор гуноҳларини Аллоҳ тасло кечирга-ни ривоят қилинган (Имом Бухорий ривояти). Саҳобий-лар сафарда бир қўшнинг полапонларини олиб қўйиш-гача, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам полапонларни ўз жойига қайтариб қўйишни буюрдилар (Имом Абу Довуд ривояти). Ҳайвонларни азоблаш, ташналик ва очликда қолдириш, ўлдириш ҳаромдир. Ҳадиси шарифда бир мушқни қамаб қўйиб қўйишдан одамнинг охиратда азобланиши ҳақида хабар берил-ди (Имом Бухорий ривояти). Бундан ташқари, динимиз ҳайвонлар иштирокидаги жангларни ҳам қатъий қора-лайди. Уйинларға пул тикиб, қимор ташкил қилиш ва ҳатто томонда қилиш ҳам тақиқланган. «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳайвонларни уришти-ришдан қайтардилар» (Имом Термизий ривояти). Пай-ғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам юз қисмиға тамға урилган эшакни қўриб: «Бўнга тамға урганни Ал-лоҳ лаянатласин!», дедилар (Имом Муслим ривояти).

Яна ҳайвонларни «муспла» қилиш (тирик ҳайвон-ларнинг аъзоларини кесиб яралашдан ҳам қайтар-илганимиз. Ҳайвонларға раҳм-шафқатнинг бундан-да олий даражаси — ҳатто гўшти учун сўйилаётган ҳай-вонни қўйнамаслиқдир. Ҳадиси шарифдада сўйи-лаётган ҳайвонни қўп равишда судрамаслик, пичоқ-ни ҳайвонни олдида қўрамаслик ва бошқа ҳайвонлар олдида сўймаслик буюрилади. Қўйни йикитиб қўйиб, пичоқни қайраётган бир кишиға Пайғамбаримиз сал-лаллоҳу алайҳи васаллам: «Уни бир неча марта ўл-дирмоқчимисан?!», деб танбех бердилар (Имом Хо-ким ривояти). Фатво китобларда агар зарар етказмаса, ҳашаротларни ҳам беҳуда ўлдириш мумкин эмаслиги зикр қилинган. Ҳайвонлар Яратганининг бу дунёдаги тилсиз гувоҳларидир, аммо чин дунёда улар тили ки-радилар, дейилади ҳадислардан яна бирида.

Ҳайвонларға мана шундай меҳр-шафқат билан муомала қилишға буюрган шариатимиз. Демак, ҳай-вонларға озор бериш, азоблаш ва уларға нисбатан шафқатсизлик шариатимизда оғир жиноят ҳисоблана-ди. Зеро, шафқат ҳисси ахлоқнинг асосидир, ҳайвон-ларға шафқат қилмаган одамнинг инсонға ҳам шаф-қатли бўлишға ишонши қийин. Шу боис фарзандла-римизға болалиғидан ҳайвонларға озор бермаслик, уларға меҳрли бўлишни ўргатиш муҳим.

Эслашиб ўтаимиз, 2019 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳайвонларға зў-равонлик учун жавобгарлиқни оширишға доир «Ўзбе-кистон Республикасининг айрим ҳўкуматлариға ўзгар-тириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги» ҳўжжат ҳам имзоланди.

Дилдора ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

«Туронбанк» АТБ: мобил илова орқали мижозларға 5 миллион 130 минг АҚШ доллари сотилди

Миллий матбуот марказида «Туронбанк» АТБ томонидан мижозларға хизмат кўрсатиш мадания-тининг ривожланиши, электрон банкинг хизматла-рининг мустақиллашуви масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда ўтган вақт давомида амалға оши-рилган изчил ишловотлар самарасида банкнинг капиталлашув даражаси ошиб, ресурс базаси ва ликвидлигини янада мустаҳкамлашға, инвести-цион фаоллиқни қўчайтиришға ҳамда кичик бизнес ва ҳўсусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш билан бирга банкнинг барча мо-лиявий кўрсаткичлари барқарор ўсиши таъминлан-ганлиги таъкидланди.

— Президентимизнинг 2018 йил 23 мартдаги «Бан

«Асосий мақсадимиз ушбу касалликка чалинган беморларни скрининг текширувидан ўтказиш орқали аниқлаш ҳамда даволашдир».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан республикада инсон ҳуқуқлари ҳимояси, диний бағрикенглик ва виждон эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ

ижроси

таъминланмоқда



Жорий йилнинг май ойида Президентнинг саяё-ҳаракатлари ва ташаббуслари билан Рамазон ойида Суриядан 156 нафар Ўзбекистон фуқаролари Ватанга қайтарилгани бу инсонпарвар ишларнинг яна бир ёрқин мисоли бўлади.

Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди, бу ишлар ҳозирда давом эттирилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тартибини тақомиллаштириш тўғрисида»ги 2018 йил 19 сентябрь куни қабул қилинган фармонида террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муносабатларини кўриб чиқиш орқали уларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тартиби белгилан берилди.

Шу билан бирга, террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муносабатларини кўриб чиқиш бўйича Республика идоралараро комиссияси тасдиқлиниб, Ички ишлар вазирлиги комиссиянинг ишчи органи этиб белгиланди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида ишчи органга Фармон асосида жиноий жавобгарликдан озод этиш сўралган 33 та муносабат келиб тушган.

Уларнинг 16 таси Фармон талабларига мос келмаган, 8 таси ишчи орган томонидан ўрганилмоқда, қолган 9 таси бўйича тавсиявий маълумотлар тузилган.

2019 йил 2 июль куни Идоралараро комиссиянинг йиғилиши ўтказилиб, унда 9 нафар шахснинг муносабати муҳокама қилинди.

Муҳокама натижасига кўра, 5 нафар фуқарони жиноий жавобгарликдан озод қилиш, 3 нафар шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишни рад этиш ҳақида комиссия ҳуқуқсалири тузилди.

Инсонларварлик принципларидан келиб чиққан ҳолда, 1 нафар (аёл) шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш масаласи қайта ўрганиш учун ишчи органга қайтарилди.

Жорий йилнинг 16 июль куни комиссия йиғилишида жиноий жавобгарликдан озод қилинган 1 нафар шахс Туркия давлатидан Ўзбекистонга ота-онаси ва оиласи бағрига қайтиб келди.

Жиноий жавобгарликдан озод қилинган яна 4 нафар шахсни ҳам юртимизга қайтариш чоралари кўрилмоқда.


Комиссия томонидан Фармон ижросини таъминлаш ишлари давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муносабатларини кўриб чиқиш бўйича Республика идоралараро комиссияси.

Дунёда кунига 4 минг нафардан ортиқ, Ўзбекистонда эса 14 киши гепатитнинг В ва С тури билан касаллангани оқибатида вафот этмоқда

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Вирусология илмий-текшириш институти ҳамкорлигида мамлакатимизда гепатит касаллиги тарқалишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар ҳамда шифокорлар иштирок этди.



Тадбирда бугунги кунда дунё миқёсида вирусли гепатитнинг В ва С тури билан касалланиш кўпайётгани ҳамда гепатит В ўз вақтида аниқланиб даволанмаса, жигар циррози ва гепатоцеллюляр карцинома, яъни жигар саратони келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкинлиги таъкидланди.

Маълумотларга кўра, вирусли гепатитнинг С тури билан касалланган беморларни даволаш бўйича самарали дори воситалари амалиётга кириб келган бўлса-да, бу усулда даволаш харажатлари юқорилиги сабабли дунёдаги кўпчилик мамлакатлар аҳолиси бу имкониятлардан фойдалана олиши имкониятига эга эмас. Қолаверса, ноёб ва замонавий тиббий амалиётлардан бири — жигар трансплантацияси ўтказилиши имконияти ҳам чекланган. Шундай шароитда энг самарали ва мақбул йўл гепатитларнинг олдини олиш ва бу йўналишда тиббий-профилактика ишларини ривожлантириш, аҳолининг барча қатлами-ни тизимли тиббий-санитария ёрдами билан қамраб олишдир.

— 2001 йилдан мамлакатимизда вирусли гепатитнинг В турига қарши эмлаш амалиётга киритилгани ва шу давр мобайнида эмланган аҳоли қатламида вирусли гепатитнинг В тури умуман қайд этилмаётган, — дейди Вирусология илмий текшириш институти директори, профессор Эркин Мусабоев. — Республикамизда ҳозирда 17-18 ёшга яқинлашган йилги-қизларнинг биронтасида ҳам вирусли гепатитнинг В тури йўқ. Лекин минг афсуски, бу касаллик ёши катта одамлар орасида учраб турибди. Албатта, бунинг узига хос сабаблари бор. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Ўзбекистонда вирусли гепатитнинг С тури билан касалланган беморларни босқичма-босқич да-

волаш учун давлат бюджетидан 42 миллиард сўм маблағ ажратилган.

Яна шунинг мамнуният билан айтишим мумкинки, АҚШнинг нодавлат фонди Center for Disease Analysis Foundation (CDAF) ташкилоти билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида янги лойиҳани, яъни «Ўзбекистонда гепатитларни бартараф этиш дастури»ни амалга ошириш арасида турибмиз. Яъники, гепатит В ва С билан касалланган беморларни касаллигининг илк босқичларида аниқлаш мақсадида скрининг ишларини самарали ташкил этиш учун Ўзбекистон тиббиётига 1,02 миллион АҚШ доллари миқдоридан инвестиция жалб этилди. Шунингдек, аҳоли соғлигини асраш, гепатит касалликлари олдини олиш мақсадида АҚШнинг Center for Disease Analysis Foundation (CDAF) жамғармаси билан ҳамкорликда вирусли гепатит В ва С нинг олдини олиш бўйича 2019-2020 йилларга мўлжалланган махсус лойиҳа ишлаб чиқилди.

Даставвал лойиҳа ишчи гуруҳи тузилди, сўнгра, лойиҳада иштирок этадиган оилавий поликлиникалар танлаб олинди. Вирусология илмий-текшириш институти олимлари ва малакали мутахассисларини жалб этган ҳолда тиббий-маслаҳат маркази ташкил этилади ва тадбир ишчи-роқчилари учун семинар-тренинглар ўтказилади.

Ушбу лойиҳа, яъни «Ўзбекистонда гепатитларни бартараф этиш дастури» муваффақиятли амалга оширили-са, келгусида жигар касалликларининг олдини олишга муваффақ бўламиз. Асосий мақсадимиз ушбу касалликка чалинган беморларни скрининг текширувидан ўтказиш орқали аниқлаш ҳамда даволашдир. Мана шу жамғарма кўмағида Ўзбекистон шароитида биринчи бўлиб, Тошкент шаҳрида ва

кейинчалик республикамизнинг қолган ҳудудларида вирусли гепатитнинг В ҳамда С турига барҳам берилди.

Тадбирда АҚШлик мутахассис, CDA Foundation жамғармаси директори Ҳоми Разавининг айтишича, яъни (ушбу маълумотлар нодавлат ташкилотлар томонидан тўпланган маълумотлари ҳисобланади) ҳозирги кунда дунё бўйлаб ҳар йили 1,5 миллион, кунига 4 минг нафардан ортиқ, ҳар 4 секундда эса бир одам, Ўзбекистонда эса кунига 14 одам яннан гепатит касаллиги оқибатида вафот этапти. Шу боисдан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 2030 йилгача 90 фоиз диагностика билан қамраб олиши-ни, диагноз қўйилганларнинг 80 фоизи даволаанишини режалаштирмоқда. Бунинг натижасида янги касалланишлар 80 фоизга, ўлим ҳолатлари 60 фоизга камайишига эришилади.

— Яна шунинг маълумот ўрнида айтишим мумкинки, — деди Ҳоми Разави — ушбу лойиҳа доирасида 20 фоиз беморга, яъни иктомий химояга муҳтож, кам таъминланган ва ногиронларга дастлаб босқичда даволашни учун дорилар бепул, қолган 80 фоизига эса имтиёзли нархларда тақдим этилади.

Вирусология илмий-текшириш институти директори, профессор Эркин Мусабоевнинг фикрича, республика-мизда мазкур лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида 33 минг жигар раки, 15 минг 300 цирроз, 20 минг ўлим ҳолатлари олди оли-нишига эришилади.

Шундан сўнг журналистлар-ни қизиқтирган саволларга Эркин Мусабоев жавоб берди.

— Нима сабабдан дунё давлат-лари орасида биринчилардан бўлиб, АҚШнинг Center for Disease Analysis Foundation (CDAF) жамғармасининг янги лойиҳаси, яъни вирусли гепатит

В ва С нинг олдини олиш бўйича Ўзбе-кистонни танлади? Бизда ушбу гепа-титлар билан оғриган беморлар шунча-лик кўпми?

— Ушбу жамғарма, айнан биз-нинг юртимизни танлаганлигининг боиси, бугунги кунда шахсан Пре-зидентимиз томонидан соғлиқни сақлиш соҳасига, айниқса, аҳоли са-ломатлигига қаратилаётган жиддий эътибор туфайлидир.

— Дориларнинг беморларга 20 фоиз бепул берилувчилар тоифаси қандай мезонларга қараб аниқланади? Умуман, лойиҳада қўзда тутилган дори-дармонлар қиммат эмасми?

— 20 фоизи бу иктомий химояга муҳтож, кам таъминланган оилалар ва ногиронлар тоифасидир. Улар республикамиздаги маҳалла фуқа-ролар йиғинлари орқали олинган маълумотлар асосида шаклланти-рилган рўйхат асосида аниқланади. Қолганларга дорилар 40-60 фоизга-ча арзон нархларда берилди. Фақат бунинг учун беморлар алоҳида ре-цепт билан махсус дорихоналардан қайид қилишлари лозим бўлади.

— Ўзбекистон шароитида биринчи бўлиб, нимага лойиҳа Тошкент шаҳри-да ўтказилмоқда? Республикаимизнинг бошқа ҳудудларида эмас?

— Бунга сабаб бошқа вилоят, туман, шаҳарларга қараганда айнан пойтахтимизда вирусли гепатит В ва С билан оғриган беморлар кўпроқни ташкил этади. Шу боисдан ҳам таж-риба сифатида биринчилардан бў-либ Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги марказий 51-52-полик-линикалардан бошланади ва бос-қичма-босқич бутун республикамиз миқёсида давом эттирилади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БИЛАСИЗМИ?

Ер участкаларини олиб қўйишда

компенсациянинг қуйидаги турлари амалга оширилади



— фуқароларга уй-жой майдонининг иктомий нормасидан кам бўлмаган бошқа тенг қийматли обод турар жойни мулк қилиб бериш ва дов-дарахт-лар қийматини тўлаш;

— бузилаётган уйлар, бошқа иморатлар, ин-шоотлар ва дов-дарахтлар қийматини фуқароларга тўлаш, ер участкасини олиб қўйиш муносабати билан мулкдорларга етказилган зарарларни қоплаш;

— ер участкасини ўзлаштириш даврида 2 йил-гача муддатга ижарага вақтинча уй-жой бериб, бу-зилаётган уйлар, иморатлар, иншоотлар ва дов-да-рахтлар қийматини тўлиқ тўланган ҳамда етказил-ган бошқа зарарларни қоплаган ҳолда, фуқаролар-га яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси бериш;

— ер участкаси олиб қўйилиши оқибатида юри-дик шахсларга аввалгисига тенг қийматли мол-мулк бериш ёки кўчмас мулкнинг бозор қийматини ва ет-казилган зарарларни қоплаш;

— ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши оқибатида етказилган зарар-ларни тўлалигича қоплаш;

— фуқароларга ва юридик шахсларга тегишли бузилиши керак бўлган уйлар, иморатлар ва ин-шоотларни қўчириш ва янги жойда тиклаш, шунинг-дек, ер участкасини олиб қўйиш муносабати билан мулкдорга етказилган зарарларни қоплаш;

— янги жойда уйлар, иморатлар қуриш ҳамда уларни фуқаролар ва юридик шахсларга мулк қи-либ бериш, шунингдек, ер участкасини олиб қўйиш муносабати билан мулкдорга етказилган зарарлар-ни қоплаш.

Меҳнатга лаёқатсизлик

варақаси беришга ким ҳақли эмас?



Қуйидаги муассасаларнинг шифокорлари меҳ-натга лаёқатсизлик варақаси беришга ҳақли эмас:

— тез тиббий ёрдам ва қон билан ишлаш хиз-мати;

— шифохоналарнинг қабул бўлимлари;

— суд-тиббий экспертиза муассасалари;

— пансионат ва санаторий-курортлар, сил ка-салликлари санаториялари бундан мустасно;

— физиотерапия, даволаш физкультураси ва спорт тиббиёти ихтисосликлари бўйича тиббий муассасалар.

Вояга етмаган шахсларга

юк кўтариш ва ташиш нормаси чегараланган



16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсларнинг иш вақти фақат юкларни қўлда кўтариш ва ташиш билан боғлиқ бўлган ишлардан иборат бўлган-да, улар учун юк кўтариш ва ташиш нормасининг чегараси 4,1 кг дан оғир бўлмаслиги, шунингдек, улар аравача ва вагонетка ёрдамида юк ташишлар-ига жалб этилмаслиги лозим.

Иш ҳақи, нафақалар, стипендияларни

ассосиз кечиктириш жарима солишга сабаб бўлади




Хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа та-шкilotларга иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипен-диялар ва уларга тенглаштирилган ўзга тўловларни тўлаш учун пул маблағлари беришни банкнинг ман-сабдор шахси ёки хизматчиси томонидан асоссиз равишда кечиктириш 4 054 600 сўмдан 8 109 200 сўмгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Адлия вазирлигининг телеграмдаси
«Huquqiy axborot» канали.

Тоштемир МҲРОД

Яшнобод туманида яна бир янги корхона фойдаланишга топширилди

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда хорижий инвестицияларнинг ўрни муҳим аҳамиятга эгаллигини бугун ўз кўзимиз билан кўраяпмиз.



«Elektron Hisoblagich» масъуля-ти чекланган жамияти ҳам халқаро ҳамкорлик меvasи. Хитой Халқ Республикасининг «Holley Technology» компанияси билан биргаликда таш-кил қилинган мазкур корхона ўн беш йиллик фаолияти давомида мамла-катимиз электр тизими корхонала-рига, истеъмолчиларга миллионлаб замонавий электр ҳисоблагичларни етказиб берди. Қўшма корхонанинг икки турдаги бир фазали ва шунча турдаги уч фазали ҳисоблагичлари аниқлик ва ишончлилик борасида бюртмачиларнинг ижобий баҳасини олган.

Яқинда пойтахтимизнинг Яшно-бод туманида корхонанинг янги иш-лаб чиқариш қуввати фойдаланишга топширилди.

— Корхонамизнинг янги қува-тини ишга тушуриш учун ҳудуди-мизни кенгайтириб, ускуналаримиз-ни янгиланди, — дейди, «Elektron Hisoblagich» масъуляти чек-ланган жамияти бош директори ўринбосари Қахрамон Нурматов. — Яъни ишлаб чиқариш ва оморхо-наларга 2100 квадрат метр қўшимча жой ажратилди. Умумий қиймати қа-

рийб 1,9 миллион АҚШ долларилик замонавий ускуналар харид қилинди. Бундан ташқари, яна қарийб 2 мил-лион АҚШ долларилик линия ва даст-гоҳлар келтирилиши кутилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, корхонамиз са-лоҳияти ортиб, маҳсулот турларини кўпайтиришга хизмат қилади. Шу-нингдек, модернизациялаш тадбир-ларининг ушбу босқичида 60 нафар-га яқин кишининг бандлиги таъмин-ланиб, йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 миллион донага оширилди. Қо-лаверса, янгиланиш жараёни тўлиқ якунига етказилгач, бир сменали иш ҳисобиди йилига 3 миллион дона маҳсулот тайёрланиб, қўшимча 100 иш ўрни яратилади. Корхонанинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, бугунги кунда республикамиздаги энер-гетика соҳасига Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (АС-КУЭ)ни жорий этиш ишларига кўма-лашмоқда.

Корхонанинг очилиш маросими-да ҳамкор ташкилот — Хитойнинг «Holley Technology» компанияси президенти Ченг Вей Донг иштирок этди, яқин келгачда корхонанинг

барча ускуналари автоматлаштири-либ, уни Ўзбекистондаги намунали субъектлардан бирига айлантириш режалаштирилаётганини, шунингдек, минн технопарк яратилиб, унда энер-гетика тизими учун зарур бўлган янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини намуна қилди.

— Бугунги кунда туманимиздаги иқтисодиёт таромоқларига хориж инвестицияларини жалб этиш бо-расида бир қатор ишларни амал-га ошириб келмоқдамиз, — дейди Яшнобод тумани ҳокимининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосари Лазизбек Темиров. — Хусусан, жорий йилда ҳудудга 1,3 триллион сўм миқдоридан инвестиция жалб этилиши режалаштирилган бўлса, шундан 130 миллион АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвести-циядир. Ўтган етти ой мобайнида эса белгиланган 75 миллион АҚШ доллари, ўрнига 2 миллион АҚШ доллари кўп, яъни 77 миллион дол-ларлик сармоя киритилди. Бунинг натижасида 35 та корхона модер-низация қилиниб, янгилари барпо этилди ва 500 киши иш жойига эга

бўлди.

— Бу каби корхоналарнинг фой-даланишга топширилиши кўплаб ёш мутахассисларни доимий иш билан таъминлайди, — дейди корхона ишчиси Фарход Нурматов. — Уни-верситетни тамомлагач, бир иккита корхоналарда ишладим. Бу корхо-нанинг ишга туширилишини эшитиб, ҳужжатларимни топширдим ва му-тахассислигим тўғри келгани учун мени оператор вазифасига ишга олишди. Ўзимнинг мутахассислигим бўйича ишлаётганимдан жуда ҳўр-сандиман. Корхонада ишчи-ҳодимлар учун барча қўлайликлар мавжуд. Ой-лик маошларимиз ҳам яхши, ойига 1 миллион 800, 2 миллион сўм оламиз. Бу фақат бошланиш. Корхонамиз янада кенгайиб, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтадиган бўлса, ойлик маошларимиз ҳам ортиб бора-ди. Ушбу корхонада ишлаётганимдан жуда мамнунман. Бундай корхона-ларнинг очилиши мен каби кўплаб ёш мутахассисларни муқим иш билан таъминлашга хизмат қилади.

Қонун кучини кўрсата олмаган жойда тартибсизлик авж олади, ноинсоф одамлар бундан фойдаланишга уринади.

БИР ХАТ ИЗИДАН

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк йиллариданоқ илгариги колхоз-совхозлар ўрнида янгидан тузилган фермер хўжаликлари фаолият кўрсата бошлади. Ер, мол-мулк улар ихтиёрига ўтди. Жойларда иш юритиш янгичасига ташкил этилди. Одамлар онгу шуурида ўзгариш, янгиланиш юзага келди. Иштихон туманидаги собиқ Амир Темур жамоа хўжалиги ўрнида ҳам кўплаб фермер хўжаликлари ташкил топди. Бундан тўрт йил аввал улар сафига яна бир шундай хўжалик — «Саида далалари» қўшилди.

Фермер хўжалигига аввал Олимжон Бўриев раислик қилди. Кейинчалик унинг ўрнини Анвар Бўриев эгаллади. Бу фермер хўжалигига Иштихон тумани ҳокимининг 2015 йил 15 июндаги қарори асосида 22,5 гектар ер майдони ажратиб берилди. 2016 йилнинг 28 мартида эса мазкур фермер хўжалиги билан туман ҳокимлиги ўртасида тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини қайтадан тузиш тўғрисида туман ҳокими қарори қабул қилинди. Аммо...

Яқинда мазкур фермер хўжалиги иш юритувчиси Отамурод Бўриевдан тахририятимизга шикоят хати келди. Унда жумладан шундай дейилади:

— Тўғриси, фермер хўжалиги раҳбари расмий жиҳатдан ўғлим бўлса-да, унга бошчилик қилиш менинг зиммамда. Бунини оила бошлиғи гарданидаги залворли бир юк деб биламан. Шу сабабдан ҳам фермер хўжалиги ташкил топган кундан бошлаб, ўғилларим билан тиним билмай ишладик. Ўтган тўрт йил мобайнида артезиан кудуги қовладик, трансформатор ўрнатдик, дала шийони қурдик. Янги иш ўринлари барпо этдик. Аммо ишимиз энди юриша бошлаган бир пайтда бизга халақит берувчилар, еримизга эга чикувчилар пайдо бўлиб қолди.

Оқибатда еримизнинг бир қисми ўзгалар томонидан ўзбошимчилик билан эгаллаб олинми, катта маблағ ҳисобига қаздирган артезиан кудуги, ўрнатилган трансформатор, қурилган дала шийони бошқалар ерида қолиб кетди. Набижон Бўтаев ва Бахриддин Норбоев деган кишилар эса фермер хўжалигимизга тегишли жойда ноқонуний равишда уй-жой қуриб олишди. Ойбек Ҳайитов исмли фуқароннинг ҳаракати бундан-да ошиб тушди. У тегишли идоралар рухсатсиз хўжалигимизга олиб борадиган ўғлини эгаллаб, шу ердан уй-жой қуришни бошлади.

Фермер хўжалиги иш юритувчиси ҳақиқат излаб кўплаб раҳбарлар қабулида бўлгани, аммо ҳокимлик, прокуратура ва бошқа нуфузли идораларга қилган мурожаатларининг фойдаси бўлмагани ҳақида ҳам ёзади.

Шикоят хати асосида Иштихонда бўлди. Туман ҳокими, мажбурий ижро бюроси раҳбари ўринбосари, бу ишга дахлдор идоралар раҳбарлари билан суҳбатлашдик, керакли ҳужжатлар билан танишдик.

Маълум бўлишича, туман фермерлар кенгаши «Саида далалари» фермер хўжалиги тасарруфидagi ноқонуний эгаллаб олинган ерни қайтариб олиш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судига даъво аризаси киритган. 2017 йилнинг январь ойи 19-кунда мазкур суднинг очик мажлисида жавобгарлар — Бўтаев Набижон ва Норбоев Бахриддиннинг ноқонуний қурилган биналарини буздирши ва ер майдонини фермер хўжалигига қайтариб бериш масаласи қўриб чиқилган. Суд даъвогар фойдасига қарор чиқарган. Жумладан унда шундай дейилади:

«Даъвогар Иштихон туман фермерлар кенгашининг «Саида далалари» фермер хўжалиги манфаатларини кўзлаб, жавобгарлар Бўтаев Набижон Ортиқович ва Норбоев Бахриддин Пўлатовичларга нисбатан ноқонуний қурилган қурилишни буздирши ва ер майдонини қайтариб олиб бериш тўғрисидаги даъво аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар Бўтаев Набижон Ортиқович томонидан «Саида далалари»

фермер хўжалигига тегишли бўлган 244-контурдан ноқонуний равишда ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган 1,0 гектар ер майдонининг 68,1 гектардан иборат. Шундан 22,5 гектар лалми ҳайдаладиган ер майдони «Саида далалари» фермер хўжалигига олиб берилсин».

Жавобгарлар Бўтаев Набижон Ортиқович ва Норбоев Бахриддин Пўлатовичлар томонидан «Саида далалари» фермер хўжалигига тегишли бўлган 244-контурдан ноқонуний равишда ўзбошимчилик билан 1,0 гектардан эгаллаб олинган жами 2,0 гектар ер майдони жавобгарлар Бўтаев Набижон Ортиқович ва Норбоев Бахриддин Пўлатовичлардан «Саида далалари» фермер хўжалигига олиб берилсин».

Бу иш яна бир неча бор судлар томонидан апелляция ва кассация тартибда қўриб чиқилган. Улардан бири 2017 йилнинг 16 март кўни бўлиб ўтган фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди кассация инстанциясининг очик суд мажлиси Иштихон туманлараро фуқаролик судининг 2017 йил 19 январдаги ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида ажрим чиқаради.

Аммо суднинг ҳал қилув қарори туман мажбурий ижро бюроси томонидан ҳамон бажарилмаяпти. Бу идорадаги ҳал қилув қарорини бажариш мuddатга ижарага ажратиб берилган.

Ушбу контурда галлачилик йўналишидаги «Хилола баракали ҳосили» фермер хўжалигининг 29,5 гектар лалми ҳайдаладиган ер майдони, «Болқи» фермер хўжалигининг 10,0 гектар лалми ҳайдаладиган ер майдони мавжуд. Қолган 5,9 гектар лалми ҳайдаладиган ер майдони эса туман ҳокимлиги заҳира ер майдонлари ҳисобида қолган.

Заҳирада қолган 5,9 гектар лалми ҳайдаладиган майдоннинг 4,2 гектари 2017 йилда ўтказилган тендер танлови гoлиби — «Кўрли» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқаро Бўриев Тиркашга ёнғоччилик йўналишида фойдаланиш учун туман ҳокимининг 2017 йил 3 майдаги №1222-Қ сонли қарорига асосан 49 йил мuddатга ижарага ажратиб берилган.


«Хилола баракали ҳосили» фермер хўжалигидан заҳирага қайтарилган 244-рақамли контурдаги 5,0 гектар ер ҳам қайта тендер танловига қўйилган. Тендер танловига «Кўрли» қишлоқ фуқаролар йиғини Болқи қишлоғида яшовчи фуқаро Ҳайитов Аббор гoлиб чиққан. Унга туман ҳокимининг 2017 йил 10 июнь кунги №1657-Қ сонли қарорига асосан ана шу лалми ҳайдаладиган ер майдони узумчилик йўналишида фойдаланиш учун 49 йил мuddатга ижарага ажратиб берилган. «Саида далалари» фермер хўжалиги мурожаатида кўрсатилган артезиан кудук ва ўрнатилган трансформатор ушбу 5,0 гектарда жойлашган...

Ҳокимлик маълумотномасида «Саида далалари» фермер хўжалиги ҳозирги кунда ўзига тегишли 22,5 гектар ер майдонидан ташқари «Ҳайитов Жозил боғи» фермер хўжалигига қарашли 5,0 гектар ва Бўриев Тиркашга қарашли 4,2 гектар ҳамда заҳирада қолган 1,8 гектар жами 11,0 гектар ер майдонини ўзбошимчилик билан эгаллаб олгани ҳақида ҳам сўз боради. Аммо фермер хўжалиги аъзолари бу фикрларни инкор этади. Улар бизга туман ҳокимининг бошқа бир қаро-

рорига асосан 49 йил мuddатга ижарага ажратиб берилган. «Саида далалари» фермер хўжалиги мурожаатида кўрсатилган артезиан кудук ва ўрнатилган трансформатор ушбу 5,0 гектарда жойлашган...

Ҳокимлик маълумотномасида «Саида далалари» фермер хўжалиги ҳозирги кунда ўзига тегишли 22,5 гектар ер майдонидан ташқари «Ҳайитов Жозил боғи» фермер хўжалигига қарашли 5,0 гектар ва Бўриев Тиркашга қарашли 4,2 гектар ҳамда заҳирада қолган 1,8 гектар жами 11,0 гектар ер майдонини ўзбошимчилик билан эгаллаб олгани ҳақида ҳам сўз боради.

Аммо фермер хўжалиги аъзолари бу фикрларни инкор этади. Улар бизга туман ҳокимининг бошқа бир қаро-



НИЗО

Бир фермер ва икки ҳамқишлоқ ўртасида авж олаётган можаро нега ҳал бўлмаётми? Суд қарори нега бажарилмаяпти?

бор қаратайлик:

«— Иштихон тумани «Кўрлисой» техникалари» агрофирмаси ҳудудидаги 244-рақамли контурдаги ер майдони 68,1 гектардан иборат. Шундан 22,5 гектар лалми ҳайдаладиган ер майдони «Саида далалари» фермер хўжалиги раиси Бўриев Олимжонга галлачилик ва чорвачилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил этиш учун туман ҳокимининг 2015 йил 18 июнь кунги №665-Қ сонли қарорига асосан 49 йил мuddатга ижарага ажратиб берилган.

Ушбу контурда галлачилик йўналишидаги «Хилола баракали ҳосили» фермер хўжалигининг 29,5 гектар лалми ҳайдаладиган ер майдони, «Болқи» фермер хўжалигининг 10,0 гектар лалми ҳайдаладиган ер майдони мавжуд. Қолган 5,9 гектар лалми ҳайдаладиган ер майдони эса туман ҳокимлиги заҳира ер майдонлари ҳисобида қолган.

Заҳирада қолган 5,9 гектар лалми ҳайдаладиган майдоннинг 4,2 гектари 2017 йилда ўтказилган тендер танлови гoлиби — «Кўрли» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқаро Бўриев Тиркашга ёнғоччилик йўналишида фойдаланиш учун туман ҳокимининг 2017 йил 3 майдаги №1222-Қ сонли қарорига асосан 49 йил мuddатга ижарага ажратиб берилган.

«Хилола баракали ҳосили» фермер хўжалигидан заҳирага қайтарилган 244-рақамли контурдаги 5,0 гектар ер ҳам қайта тендер танловига қўйилган. Тендер танловига «Кўрли» қишлоқ фуқаролар йиғини Болқи қишлоғида яшовчи фуқаро Ҳайитов Аббор гoлиб чиққан. Унга туман ҳокимининг 2017 йил 10 июнь кунги №1657-Қ сонли қарорига асосан ана шу лалми ҳайдаладиган ер майдони узумчилик йўналишида фойдаланиш учун 49 йил мuddатга ижарага ажратиб берилган. «Саида далалари» фермер хўжалиги мурожаатида кўрсатилган артезиан кудук ва ўрнатилган трансформатор ушбу 5,0 гектарда жойлашган...

Ҳокимлик маълумотномасида «Саида далалари» фермер хўжалиги ҳозирги кунда ўзига тегишли 22,5 гектар ер майдонидан ташқари «Ҳайитов Жозил боғи» фермер хўжалигига қарашли 5,0 гектар ва Бўриев Тиркашга қарашли 4,2 гектар ҳамда заҳирада қолган 1,8 гектар жами 11,0 гектар ер майдонини ўзбошимчилик билан эгаллаб олгани ҳақида ҳам сўз боради. Аммо фермер хўжалиги аъзолари бу фикрларни инкор этади. Улар бизга туман ҳокимининг бошқа бир қаро-

рорига асосан 49 йил мuddатга ижарага ажратиб берилган. «Саида далалари» фермер хўжалиги мурожаатида кўрсатилган артезиан кудук ва ўрнатилган трансформатор ушбу 5,0 гектарда жойлашган...

Ҳокимлик маълумотномасида «Саида далалари» фермер хўжалиги ҳозирги кунда ўзига тегишли 22,5 гектар ер майдонидан ташқари «Ҳайитов Жозил боғи» фермер хўжалигига қарашли 5,0 гектар ва Бўриев Тиркашга қарашли 4,2 гектар ҳамда заҳирада қолган 1,8 гектар жами 11,0 гектар ер майдонини ўзбошимчилик билан эгаллаб олгани ҳақида ҳам сўз боради.

Аммо фермер хўжалиги аъзолари бу фикрларни инкор этади. Улар бизга туман ҳокимининг бошқа бир қаро-

рорига асосан 49 йил мuddатга ижарага ажратиб берилган. «Саида далалари» фермер хўжалиги мурожаатида кўрсатилган артезиан кудук ва ўрнатилган трансформатор ушбу 5,0 гектарда жойлашган...

Ҳокимлик маълумотномасида «Саида далалари» фермер хўжалиги ҳозирги кунда ўзига тегишли 22,5 гектар ер майдонидан ташқари «Ҳайитов Жозил боғи» фермер хўжалигига қарашли 5,0 гектар ва Бўриев Тиркашга қарашли 4,2 гектар ҳамда заҳирада қолган 1,8 гектар жами 11,0 гектар ер майдонини ўзбошимчилик билан эгаллаб олгани ҳақида ҳам сўз боради. Аммо фермер хўжалиги аъзолари бу фикрларни инкор этади. Улар бизга туман ҳокимининг бошқа бир қаро-

рорига асосан 49 йил мuddатга ижарага ажратиб берилган. «Саида далалари» фермер хўжалиги мурожаатида кўрсатилган артезиан кудук ва ўрнатилган трансформатор ушбу 5,0 гектарда жойлашган...

рини, аниқроғи, 2017 йил 10 июндаги 1657-Қ сонли қарорини бекор қилиш ҳақидаги қарорини тақдим қилишди. Унда Самарқанд вилоят Адлия бошқармасининг 2018 йил 12 октябрдаги 13-12-663/3 сонли «Қонун ҳужжатларининг бузилиши, уларнинг сабаблари ва бунга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида»ги тақдимномасига асосан мазкур қарор бекор қилинганлиги қайд этилган.

Маълумотда «Саида далалари» фермер хўжалиги билан Болқи қишлоғида яшовчи фуқаролар Бўтаев Набижон ва Норбоев Бахриддинлар ўртасидаги низо бартараф этиш юзасидан қилинган ҳокимлик ҳаракати ҳақида ҳам айtilган. 2018 йил октябр ойида туман ҳокими бошчилигида туманнинг бир қатор идоралари раҳбарлари мазкур масала юзасидан «Саида далалари» фермер хўжалигига боришган. Улар фермер хўжалиги раиси Бўриев Анвар ва акиси Бўриев Олимжонга Болқи қишлоғида яшовчи фуқаролар Бўтаев Набижон ва Норбоев Бахриддинларнинг уй жойларини сақлаб қолиш ва улар эгаллаб турган 0,12 гектар ер майдони эвазига заҳирадаги 1,8 гектар майдондан қўшимча равишда ер ажратиб бериш таклифини беришган.

Маълумотнома мазмуниндан аниқлашладикки, ҳокимлик фермер ва ўзбошимчилик билан ноқонуний уй-жой қурилган ўртасидаги низоларни бартараф этиш йўллариини ахтармоқда. Аммо фермер ҳокимлик таклифларига рози бўлмапти. Чунки у қонун ўз томонига деб билади. Сабаби, қўлида 22,5 гектарлик ерни 49 йил мuddатга ижарага бериш тўғрисидаги туман ҳокими қарори, қолаверса, унинг ер майдонида ўзбошимчилик билан қурилиш қилганларнинг ҳаракатларини ноқонуний деб топган суднинг ҳал қилув қарори мавжуд. Бунинг устига учинчи бир фуқаро томонидан унга тегишли йўлнинг ноқонуний эгаллаб олингани ҳам бор гап.

Яна бир эътиборли ҳолат, Бўтаев Набижон Ортиқович ва Норбоев Бахриддин Пўлатовичларнинг ноқонуний тасарружини бузиш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро суди 2017 йилнинг январь ойида ҳал қилув қарори чиқараяпти. Туман ҳокими эса орадан анча кеч - 2018 йилнинг октябрига келиб томонларни муроасага чақириб мақсадида, бу икки фуқарога ноқонуний эгалланган ер майдонларини «ҳад» этмоқчи бўлаяпти. Ҳокимнинг бу ҳаракатини унинг ваколати доирасида деб бўладими? Суднинг ҳал қилув қарори бажарилиши керакми ёки ҳокимнинг

айтганими?

Мажбурий ижро бюросининг туман бўлими ўринбосари Маъмур Йўлдошев билан учрашдик. Аммо у суд ҳал қилув қарорининг ижроси нега таъминланмаётгани ҳақида тайинли фикр айтмади. Туман ҳокимининг қишлоқ хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Алишер Садатов эса фермер хўжалиги экин майдонидан бир, иккита эмас, саккизта уй-жой қурилгани, уларнинг олтидаси бузиб ташлангани ҳақида гапирди. «Йўл ҳам бошқалар томонидан эгаллаб олинган. Аммо фермерга йўл учун жой ташланган. Тўғри, бу ишни қонуний деб бўлмайди. Аммо кенг даштдаги бу ерда. Бўтаев Набижон ва Норбоев Бахриддинга тегишли турар-жойлар учун эса туман ҳокимининг қарори чиқарилган», деди у.

Тўғри, лекин бу қарор суд қароридан кейин чиқарилган.

«Соҳибкор» МФЙ томонидан ҳам бу низо бартараф этиш томонларни муроасага келтиришга ҳаракат қилинган. Аммо ҳокимлигининг ҳам, на маҳалланнинг ҳам гапи ўтмаган. Фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судининг бундан икки йил аввал қабул қилинган ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш мuddати ўтиб кетаётгани Мажбурий ижро бюроси Иштихон туман бўлимини уналчиқ ташвишлан-тирмаётганга ўхшайди.

Хуллас, Иштихоннинг Болқи қишлоғидаги фермер ва унинг айрим қишлоқдошлари ўртасидаги низо ҳамон давом этмоқда. Бу вазият мураккаб-лаша мураккаблашаяптики, асло юмшаётгани йўқ.

Бир фермер ер майдонидаги ноқонуний қурилишлар, йўлнинг ўзбошимчилик билан эгаллаб олиниши, қовланган артезиан кудуги, ўрнатилган трансформатори-ю, дала шийонининг бошқалар ерида қолиб кетиши каби масалалар нега мутасаддиларни олдинроқ ташвишлан-тирмади?

Энди эса бир қишлоқ одамлари ўртасидаги низо кун сайин кучайиб бормоқда. Энг ёмони, бу ерда ҳоким томонидан қабул қилинган қарор, суднинг ҳал қилув қарорига ҳам эътиборсиз қаралмоқда. Тартиб-интизом, назорат бўшлаган жойда ўзбошимчиликлар бошланади. Камчилик ўз вақтида тузатилмаса, газак олиб кетади. Мана оқибат — қонунга, судга, ҳоким қарорига ҳам нописанд қаралмоқда. Қонун кучини кўрсата олмаган жойда тартибсизлик авж олади, ноинсоф одамлар бундан фойдаланишга уринади. Бундай ҳолатлар қўлайиб боравереди...

Абдурашул САТТОРОВ,
журналист.


Газетада
босилмади, аммо...

ИЖРО ҲАРАКАТЛАРИ ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА

Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани, «Бинокор иншоот» хусусий корхонаси раҳбари А.Аззамовнинг тахририятимизга йўллаган шикоятда суд қарори ижроси таъминланмаётгани баён этилган эди. Унинг шикоят аризасини Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига йўллаган эдик. Мажбурий ижро бюросидан жавоб хати келди.

«Бинокор иншоот» ХК раҳбари А.М.Аззамовнинг суд қарорлари ижроси таъминланмаётгани ҳақидаги мурожаати қуриб чиқилди.

Аниқланишича, Дўстлик туманлараро иқтисодий судининг 15.01.2018 йилдаги қардор «Дўстлик дон маҳсулотлари» АЖдан ундирувчи «Бинокор иншоот» хусусий корхонаси фойдасига 374,4 миллион сўм ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бўйича 06.02.2018



йилдан Бюронинг Дўстлик туман бўлимида ижро иши юритилган.

Бундан ташқари, бўлим иш юритувида қардордан туман ДСИ фойдасига 2,2 миллиард сўм ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фойдасига 9,8 миллиард сўм қарз ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари мавжуд бўлиб, улар «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 251-моддасига асосан юқорида қайд этилган ижро ҳужжатлари билан йиғма ижро иш юритувига бирлаштирилган.

Ижро ҳаракатлари давомида қардорнинг банкдаги ҳисоб рақамларига банд солиниб, инкасса топшириқномалари қўйилган, унга тегишли мол-мулкларни аниқлаш ва хатлаш чоралари қўрилган.

Жумладан, қардорда тегишли бўлган Дўстлик тумани, Сановатчилар МФЙда жойлашган 6-уй 182,7 миллион сўм ва Арнасой тумани, «Чўлқувар» ҚФЙ ҳудудидаги марказий солаш устaxonаси 4,8 миллиард сўмга баҳоланган ҳолда электрон-онлайн аукцион савдоларига чиқарилган.

Қардордан ундирилган ёки унинг мол-мулкларни реализациясидан тушган пул маблағлари Қонуннинг 80-моддасига мувофиқ ундирувлар навабига асосан тақсимланмоқда.

Шунингдек, ижро ҳаракатлари давомида қардордан жами 19 миллион сўм ундирувчининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиб берилиши таъминланган.

Ҳозирда ундирувга қаратилган мажбурий ижро ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Мажбурий ижро бўли директори ўринбосари С.А.Бердалиева»

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Доимий прописка хусусида

Тахририятимизга келган хатларнинг бирида шундай савол қўйилган:

«Мен 21 йилдан бундан Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги 279-сонли умумтаълим мактабида ўқитувчилик қиламан. 4 фарзандим ва турмуш ўртоғим билан Тошкентда яшаймиз. Бироқ доимий пропискага эга эмасмиз. Халқ таълими вазирлиги орқали доимий рўйхатга қўйилишим мумкинлиги ҳақида эшитдим. Агар шундай бўлса қаярга, қай тартибда мурожаат қилишим керак?»

Д.Қурбонова,
Тошкент шаҳри.»

Жавоб: Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш 2011 йил 14 сентябрдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ амалга оширилади.

Рўйхатнинг 11-бандида давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарлари ходимлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиш мумкин.

Мақтаблар Халқ таълими вазирлиги тасарруфига қаради ва шу сабабли Сиз доимий прописка масаласида Халқ таълими вазирлигига мурожаат қилишингиз лозим.

Дилмурод РАҲАБОВЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими.

БОЙСУНДА ЯНГИ ГАЗ КОНИ ТОПИЛДИ

ХУШХАБАР

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида газ кони очилиши ҳақида ўтган асрнинг 80-йилларида катта шов-шув кўтарилиб, матбуотда турли хабарлар тарқалган эди. Ўша кунларни хотирласам, ҳовлимизнинг рўпарасидаги чойхона ёнида ҳар кун тўпланган 15-20 нафарга яқин одам тўпланиши, пешонасига «Буровой» деб, ёзиб қўйилган усти очиқ машина уларни қаёққадир олиб кетиб, кечкурун қайтариб олиб келиб қўйиши кўз ўнгимда гавдаланади. Кейин нима бўлдию одамлар ҳам, машина ҳам кўринмай кетди, газ кони ҳақидаги гап-сўзлар ҳам тўхтади.

Бундан икки йил муқаддам газ кони очилиши ҳақида яна миш-миш тарқалди. Лекин бу гап-гапчилигича қолиб кетмади. Президентимизнинг 2017 йил апрелда Россия Федерациясига ташрифи чоғида россиялик инвесторлар билан учрашувидан сўнг орадан кўп вақт ўтмай, Бойсун туманидаги «Мустақиллигининг 25 йиллиги» деб, номланган газ қонида қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Имзоланган битимга асосан бу ерда дастлабки қидирув ишлари ва газ-кимё мажмуасини қуриш назарда тутилган.

Бу кон лойиҳасининг умумий қиймати 5,2 миллиард АҚШ доллари тенг бўлиб, икки босқичда амалга оширилади. 2018-2022 йилларга мўлжалланган биринчи босқичда йилга 5 миллиард куб метр газни қайта ишлаш қувватига эга

йирик завод қурилади. Жумладан, «Эрта газ» дастури доирасида 2020 йилдан бошлаб, 2 минг 800 метр чуқурликдаги газ қатламидан йилга 1 миллиард куб метр газга газ қазиб олинади. 2023 йилда эса яна 15 та кудук фойдаланишга топширилиб, газни қайта ишлаш заводининг иккинчи линияси ишга туширилади ва газ қазиб олиш йилга

ХМОда медаль олган ўқувчилар Ўзбекистон миллий университетининг механика-математика факультетига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинади.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЁШ МАТЕМАТИКЛАРИ

Буюк Британиянинг Бат шаҳрида ўтказилган халқаро олимпиадада муносиб иштирок этишди

БИЗ СИЗЛАР БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ

Ўзбекистон терма жамоаси раҳбари Тошкент шаҳридаги Инха университети ўқитувчиси Рустам Турдубоев билан халқаро математика олимпиадаси, унда юртдошларимиз иштироки борасида суҳбатлашдик.

— Олимпиада қачондан буён ўтказилади ва унинг шартлари ҳақида тўхталсангиз?

— Халқаро математика олимпиадаси ўқувчилар ўртасида ҳар йили ўтказилади. Дастлабки олимпиада 1959 йилда Руминияда бошланган. 2017 йилда иштирокчи давлатлар сони 111 тага етди.

Ҳар бир мамлакатдан олти киши, терма жамоа раҳбарлари ва назоратчилардан иборат жамоа тақлиф этилади. ХМО — шахсий чемпионат ҳисобланади. Иштирокчилар 20 ёшдан катта бўлмаслиги керак.

Олимпиададаги вазифалар мактаб ва лицейларда ўқилган математика фанининг турли йўналишларида, геометрия, сонлар назарияси, алгебра ва комбинаторикадан танланади. Қатнашчилардан олий математика даражасидаги билимлар талаб этилмайди.

Бу йилги олимпиаданинг ўтган йилгиларидан фарқи шундаки, 2019 йил халқаро математика олимпиадаси ташкил этилганига 60 йил тўлди.

Буюк Британиянинг Бат шаҳри университетида олимпиаданинг асосий қисми бўлиб ўтди. Жамоа раҳбарлари Жанубий Вэйлснинг «Celtic Manor» меҳмонхонасига иштирокчилардан алоҳида жойлаштирилди. 112 давлатдан 621 нафар ўқувчи иштирок этди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан 52 олтин, 94 кумуш 156 бронза медали голибларга тақдим қилинди.

— Ўзбекистонликларнинг олимпиадада иштироки қачон бошланган, қандай натижаларга эришилган?

— ХМОда Ўзбекистон 1997 йилдан бери, орада баъзи йиллари ҳисобга олмаганда, жами 18 марта қатнашган. Бунинг натижасида 9 кумуш, 27 бронза медали ҳамда 35 фахрий ёрлиғи қўлга киритган.

— Терма жамоа раҳбарининг вазифалари нималардан иборат?

— Жамоа раҳбарлари иштирокчилар келишидан 3-4 кун аввал олимпиада ўтадиган шаҳардан ташқарида акратилган меҳмонхонага жойлашади. Бу йил Вэйлснинг Ньюпорт шаҳри яқинидаги меҳмон-

хона бизга бириктирилди. Жамоа раҳбарларига масалалар тўплами, яъни 30 дан ортиқ мисоллар жамланмаси — Short List тақдим қилинди. Бизнинг вазифамиз мазкур мисоллар билан танишиб, унинг орасидан олимпиада учун 6 мисолни танлаш. Мен учун бу вазифа математика дунёсига сабақхона тўғрисида. Қизиқarli ва жуда масъулиятли бўлган юмушни биз аъло даражада бажаришга ҳаракат қилдик.

Олимпиада талабларига кўра, қатнашчилар 3 тадан мисолни 4,5 соат ичида ечишлари керак. Биз бу жараён бошланганидан аввал ўқувчиларнинг саволларига жавоб бердик. Қолган вақт текширувчилар жамоаси ҳар бир масаланинг баҳолаш мезони ҳусусида баҳо олиб бориб, бир тўхтамга келдик.

— Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган жамоа аъзолари билан газетхоналаримизни тўлиқ таништирсангиз:

— Бахонидил. Газетхоналар улар номларини эслаб қилишларини истардим.

Жасурбек Имомов, 2000 йилда Бувайдада туғилган. Бухоро давлат университети Қорақўл академик лицейи ўқувчиси. У халқаро математика олимпиадаси бронза медалини қўлга киритди.

Жаҳонгир Тўраев, 2002 йилда Каттақўрғон туманида туғилган. Самарқанд иқтисодий ва сервис институти академик лицейи ўқувчиси. Олимпиада фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Расулбек Озодов, 2000 йилда Қўшқўр туманида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети Саъди Сирожиiddинов номли академик лицейи ўқувчиси. Олимпиада фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Аббос Сайлиев, Қорақўл туманида туғилган. Бухоро давлат университети Қорақўл академик лицейи ўқувчиси. Олимпиада фахрий ёрлиғи билан муносиб кўрилди.

Абдушукур Аҳадов, 2001 йилда Сайхунбод туманида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети Саъди Сирожиiddинов номли академик лицейи ўқувчиси. У



истеъдодли математик сифатида эътироф этилди.

Ақбар Эркинов, 2000 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Самарқанд иқтисодий ва сервис институти академик лицейи ўқувчиси. У умидли математиклар қаторидан ўрин олди.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш ўринли, деб ҳисоблайман. Жамоа аъзоларининг ҳар бири Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Улардаги интилиш, изланиш, шижоат барчани ҳайратлантирди. 112 мамлакат ичида 63-ўринни эгаллашнинг ҳам ўзи бўлмайди, албатта. Мен улар орасидан келажакда буюк математиклар етишиб чиқишига ишонаман.

— Ҳакамлар ҳайъатининг ўзбекистонлик ёш математиклар ҳақидаги фикри қандай?

— Координация (текширув) жараёнида америкалик ва англиялик мутахассислар Жасурбек ва Аббоснинг енган масалаларига сўзсиз энг юқори баҳо беришди. Уларнинг маҳоратига қўйил қилишди. Худди шундай бошқа шартлар бўйича ҳам ҳеч қандай эътироз билдирилмади. Бу йилги олимпиадада Ўзбекистон терма жамоаси бир неча иқобий натижаларга эришди. Ўқувчиларимиз комбинаторикага оид масалани тўлиқ еча олишди. Шунингдек, қийинлик даражаси бўйича тўртинчи энг мураккаб мисолни жамоа аъзоларидан Абдушукур ва Жаур ечиб, барчани ҳайратлантирди. Энг ажабланирлиси, иккаласининг ечими бир-биридан тубдан фарқ

қилиди. Айниқса, Абдушукурнинг тригонометрик айтишлар орқали топган ечими ҳатто халқаро даражадаги текширувчилар учун ҳам муаммо туғдирди. Биргаликда деярли ярим соат деганда унинг услубини тушуниб етдик ва елкамиздан тоғ ағдарилгандек бўлди.

— Халқаро математика олимпиадаси голиблари қандай имтиёзларга эга бўлади?

— ХМОда медаль олган ўқувчилар Ўзбекистон миллий университетининг механика-математика факультетига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинади. Шунингдек, чет элдан нуфузли университетлар ҳам бундай талаба ёшларни ўқишга қабул қилишга тайёр. Москва физика-техника институтига имтиёзли равишда ўқишга кирган юртдошларимиз талайгина. Олимпиададан сўнг Словениянинг Примоск университети жамоамизни тақлиф қилишди.

— Олимпиада жараёнида ўқувчиларимизда қандай камчиликлар кўзга ташланди?

— Жасурбекка кумуш медалга икки балл етмай қолди. Жамоадан яна 4 қатнашчи бронза медалига жуда яқин бўлиб, уларга омад қилиб боқмади.

Умумжамоа ҳисобида ҳаммаси бўлиб 81 балл тўпланди. Бу кўрсаткич Ўзбекистон жамоасининг кейинги 9 йилдаги энг яхши натижасидир.

Олимпиадада математиканинг туртта йирик соҳаси — алгебра, геометрия, ком-

бинаторика ва сонлар назариясидан мисоллар танланади. Ўзбекистон мактабларида комбинаторика соҳасида ўзбек тилида масалалар тўплами ҳамда зарур адабиётлар мавжуд эмас. Бунинг натижасида ўқувчиларимиз айтиш шў йўналишда юқори натижалар кўрсатмаяпти. Аксарият жамоа аъзолари олимпиадада тайёрланишда инглиз ёки рус тилидаги китоблардан фойдаланишади. Шу боис алгебра, геометрия ва сонлар назариясидан бериладиган мисолларни осон тушунишади. Комбинаторикадаги мисолларни ечиш учун чет тилини чуқурроқ билиш зарур. Афсуски, терма жамоа аъзоларининг аксарияти рус ёки инглиз тилларини мукаммал билмайди. Бу уларга панд беради.

Шунингдек, жамоанинг деярли барча аъзоси олимпиадада биринчи бор қатнашганлиги учун ҳаяжонланиб, кичик хатоларга йўл қўйишди. Бунинг оқибатида имкониятларимизни бой бердик. Иккинчи йил қатнашгани учун Жасурбек ҳаммадан кўра яхши натижа кўрсатди.

Биз жамоа аъзолари билан хатопаримизни таҳлил этиб, келгуси режаларни тузиб олдик. Кейинги йил бундай камчиликларга йўл қўймаймиз, албатта.

Ёш математикларимизнинг камтарона ютуғини Ўзбекистон мустақиллигининг 28 йиллигига бағишлаймиз.

Барчиной ҲАМИДУЛЛАЕВА суҳбатлашди.



Эмишки, олов санами Прометей лойдан одам ясаётганда суя ўрнига кўзёшлардан фойдаланган. Шу боис инсонга куч билан таъсир ўтказишга уриниш бефойда экан. Инсонни бўйсундириш учун имкони борича уни яхши сўзлар билан тинчлантириб, кўнагини юмшатмоқ ва ишонтирмоқ даркор. Ана шунда ҳар қандай кишида раҳм-шафқат ва меҳрибонлик тубғулари уйғониши шубҳасиздир.

Бир ҳукмдор Эзондан сўради:

“Не сабабдан донишмандлар бойларнинг ҳузурига келадилар-у, бойлар донишмандларнинг ҳузурига боришмайди? Эзон шундай жавоб берди: “Бунинг боиси шундаки, донишмандлар ўзларига нима кераклигини яхши биладилар. Давлатмандлар эса билишмайди. Агар билишганда мол-дунё гамида яшамасдан, донишмандлик пайида бўлардилар”.

Эзон (тахминан милoddан аввалги 640 — 560 йиллар)

Нафратга яхшилик билан жавоб қайтармоқ керак.

Ғанимни тўғри баҳолай билмасликдан кўра оғирроқ қулфат йўқ.

Одамлар ортиндан эргашини истасанг, уларнинг ортидан юр. Лао Цзи (Милoddан аввалги 579 - 499 йиллар)

Ҳукумат раҳбарига қуйидаги 12 та тўғма сифатлар жам бўлмоғи жоиз: ҳушбичимлик, фаҳм-фаросатлилик, ўткир хотира, идроклик, сўзга чечанлик, илмга чанқоқлик, ҳар бир ишда меъёрни сақлай билиш, ҳалолликка муҳаббат ва ёлғонга нафрат, олижаноблик, бойликка нафрат, адолатпарварлик, қатъийлик.

Фаробий (Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Тархон ибн Ўзлуғ ал Фаробий ат - Туркий) (870-950)

Донишмандлик ибтидоси: фикрлашни ўрганиш, вайсақилликка барҳам бериш.

Ўтган кун ҳақидаги: “Мен уни қандай ўтказдим, нималар қилдим-у, нималарга улгуролмадим?” — деган саволларга жавоб топилмагунча кўзларинг уйкуга кетмасин.

Одамлар! Энг аввало эзгу ахлоққа эга бўлишга ҳаракат қилинг, зеро ахлоқ қонуннинг асосидир.

Билимлик ва донишмандликни айти бир нарса деб ҳисобламаг.

Жонотларни ўлдиришдан сақланг, чунки одам ўлдириш жониворларни ўлдиришдан бошланган. Пифагор (Милoddан аввалги 576 — 469 йиллар)

Ягона ва энг мудҳиш хато аввалги хатоларни тўзатмаслиқдир.

Конфуций Цзи-Чун исмли шоғирдининг “Давлатни қандай бошқармоқ даркор?” деган саволига қисқатгина жавоб берганди: “Давлатни тўғри бошқармоқ учун ҳукмдор — ҳукмдорлигича, амалдор — амалдорлигича, ота — оталигича, ўғил — ўғиллигича қолмоғи лозимдир”.

Конфуций (Милoddан аввалги 551-479 йиллар)

Тўпловчи: Чўллоной АҲМЕДОВА, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши партия фахрийси, фалсафа фанлари доктори Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Дзюдо: Загреб Гран-присининг сўнгги кунинда бронза медали қўлга киритилди



Хабарингиз бор, 26-28 июль кунлари Хорватиянинг Загреб шаҳрида дзюдо бўйича Гран-при туркумига кирувчи нуфузли халқаро турнир ўтказилди.

Мусобақанинг сўнгги кунинда оғир вазн тоифасидаги полвонлар голиблик учун кураш олиб боришди. Биз учун қувонарлиси, 100 килодан юқори вазн тоифасидаги полвонимиз Алишер Юсупов Загреб гран-присига бронза медалига сазовор бўлди.

Терма жамоамиз аъзоси мусобақа давомида дастлаб Осиё ўйинлари голиби, жанубий кореялик Сунгмин Ким, кейин эса Словения ҳамда Польша терма жамоаси вакиллари устун келганди. Бироқ, Алишер чорак финалда голландиялик Рой Майерга имкониятни бой берди. Ўз навбатида голланд спортчисининг голибона юриши Юсуповга бронза медали учун курашиш имкониятини берди. Натижада ҳамюртимиз бронза медали учун кечган ўтиш турнирида россиялик Алён Цховребовни доғда қолдирди.

Шундай қилиб Алишер Юсупов ўз фаолияти давомида биринчи мартаба Гран-при туркумига кирувчи мусобақалар соҳибдорига айланди. Бу натижа унга жаҳон ҳамда Токио-2020 олимпиадаси учун қимматли 350 рейтинг очкосини тақдим этди.

Шу тариқа Ўзбекистон терма жамоаси Загреб Гран-присини биттадан олтин ва бронза медаллари билан якунлади. Эслатиб ўтамиз, бунгача 60 килогача вазн тоифасида ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Шарофиддин Лутфуллаев олтин медалга сазовор бўлганди. Бу эса мусобақада иштирок этган 86 давлат орасида бешинчи натижадир.

ЎЗА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05. E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4,5т, 9т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Mahmud TOIR

Qalandar ABDURAHMONOV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihidin MUHIDDINOV

Shuhrat JALIOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

To'liq TO'RAHONOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — (71)233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 751. 3596 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 00:25.

Topshirilgan vaqti — 01:00.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV Sahifalovchi-dasturchi: Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



ГАЗЕТАНИНГ ЭЛЕКТРОН САҲИФАСИГА ЎТИШ УЧУН QR-КОДИНИ ТЕЛЕФОННИНГ ОРҚАЛИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

1 2 4 5 6